Боқувчисини йўқотган оилалардаги ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар бўйича аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб, тўловлар Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақага қўшиб берилади. Бу жуда қулай, чунки тизим бор.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарларига ёрдам пулларини муҳтож оилаларга адолатли, очиқ ва тўғри етказиб бериш, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик юзасидан топшириқлар берилди. Аҳоли билан учрашиб, ушбу маблағлар ҳақиқатда ёрдамга муҳтож болаларнинг баркамол ривожланиши ва соғлиғи учун сарфланиши зарурлигини тушунтириш вазифаси қўйилди.

ЎзА

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёга ёйилган коронавирус пандемияси таълим соҳаси олдига ҳам янги муаммо ва талабларни қўймоқда. Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганидан сўнг, 16 мартдан бошлаб, анъанавий таълим жараёнлари вақтинчалик тўхтатилган эди. Болалар уй шароитида онлайн таҳсил олди.

Янги ўқув йили яқинлашгани сари барча ота-оналарни ўқиш қачон ва қай тарзда бошланиши қизиқтирмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари сони олти миллион икки юз мингдан зиёдлиги инобатга олинса, юртимизда бу масалага бефарқ оила йўқлигини айтиш мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари ҳукуматга бу борада халқ фикрини билиш, ота-оналар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўйланган қарор қабул қилиш бўйича кўрсатма берган эди.

Шу мақсадда, Халқ таълими вазирлиги томонидан алоҳида сўровнома тузилиб, ҳар бир ота-онанинг фикри батафсил ўрганилди. Бу тадбирда 5 миллион 500 минг нафар ота-она иштирок этди. Уларнинг 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган. 24 фоизи эса масофавий шаклда – теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўришган.

Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан дунёдаги вазият ҳам ўрганилди. Куни кеча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Гебрейесус дунёда коронавирус касаллиги яна икки йилгача давом этиши мумкинлигини билдирди. БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш пандемия сабабли кўп давлатларда тўхтаб қолган таълим жараёни оқибатлари келгусида дунё ҳамжамияти учун ўта оғир бўлиши мумкинлигини айтди. Бу дегани барчамиз пандемия шароитида коронавирус билан яшаш, ишлаш ва фарзандларимизни ўқитишга тайёр бўлишимиз керак.

Ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқотларда ҳам аксарият педагоглар болажонларнинг кўзи ва қалбларини соғинганини, таълим ва тарбия беришга тайёр эканини, мактаблар очилишини орзиқиб кутаётганини билдиришган.

Шу хулосалардан келиб чиқиб, мактабларда таълим жараёнини бир вақтнинг ўзида икки хил шаклда ташкил этишга қарор қилинди. Яъни, аксарият ота-оналар талабига кўра анъанавий, шу билан бирга масофавий шаклда йўлга қўйилади.

– Мендан бугунги кун қаҳрамонлари ким деб сўрашса, бу соғлиқни сақлаш ходимлари билан бир қаторда ҳурматли устозларимиз, деб айтган бўлар эдим, – деди Президент йиғилишда.

Давлат раҳбари жамиятда ўқитувчи ва устозларнинг обрўйини кўтаришга эътибор талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

– Бу ерда гап фақат моддий рағбат ҳақида эмас. Биз ўзини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган ҳар бир фидойи муаллимга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром муҳитини шакллантиришимиз керак. Битта болани 11-синфгача тарбиялаб, вояга етказиш қанча машаққат?! Айниқса, синф раҳбарларига кўп нарса боғлиқ, биз уларни эшитишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Мактабда ўзгариш бўлмас экан, ҳеч қайси соҳада ўзгариш бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқитувчи ва шифокорларнинг фидойи меҳнати, юксак ҳулқ-атвори намунасини намоён этиш мақсадида тўлиқ метражли фильм ва сериаллар, уларнинг фаолияти ҳақида кўрсатувлар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарларига мактабларни санитар талабларига мувофиқ, бирламчи воситалар билан тўлиқ таъминлаш вазифаси қўйилди. Санитария хизмати марказлари 5 сентябрга қадар ўз ҳудудидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтади. Бундан мақсад – мактабларга амалий ёрдам кўрсатиб, ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишдир.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз туманидаги эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Бу тажриба асосида ўқувчиларни мактабда ким кутиб олиши, қайси синф қайси эшикдан кириши, синфхоналарнинг ҳавоси қачон алмаштирилиши каби ҳар бир қадам аниқ белгилаб олинади. Бу салкам олти ойдан буён ўқув даргоҳини соғинган болаларнинг тезроқ мослашиши ҳамда хавфсизлигида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги синовли даврда мактаб директори, синф раҳбари ва ота-она ўртасидаги мулоқотни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш, уйдан таълим оладиган ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кундалик мониторинг қилиш лозимлиги таъкидланди. Бу ўқувчиларнинг яхши билим олиши, шу билан бирга соғ-саломат бўлишини таъминлайди.

Видеодарсларни сифатли тайёрлаш, бу жараёнга давлат ва нодавлат телеканалларини фаол жалб этиш, учта телеканалда доимий эфирга узатиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жойларда рақамли телевидение сигнали ва интернет тезлигини таъминлаш, чекка ҳудудлардаги коммуникация тизимларини тўлиқ тестдан ўтказиш бўйича кўрсатма берилди. Ўқувчилар учун интернетдан фойдаланишда имтиёзли «Мактаб» тариф режаси жорий этилиши айтилди.

Таълим муассасаларидаги тозалик ва озодаликни сақлаш, синфхоналар ва атрофни дезинфекция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳар бир мактабга ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари бириктирилиб, тартибни сақлаш ва карантин талабларига риоя этилишини назорат қилади. Ўқувчилар соғлигидан доимий хабардор бўлиш мақсадида ҳудудий поликлиника ёки врачлик пунктларидан камида бир нафардан тиббиёт ходими жалб этилади.

Тадқиқотлар ёш болаларда вирус енгил кечишини кўрсатмоқда. Бироқ ўқувчилар инфекциянинг ташувчисига айланиб қолишлари мумкин. Улар ўзлари билмаган ҳолда устозлари ёки оила аъзоларига, айниқса, ёши улуғ кишиларга юқтириши хавфини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 августдаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, педагоглар 1 октябрга қадар гриппга қарши бепул эмланади. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

Ўқув даргоҳлари фаолиятида хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, маҳаллаларда коронавирусга чалинган хонадонларни ўз вақтида аниқлаб, мактаб маъмуриятини тезкор огоҳлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасадди вазирликларга мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда ҳудудларга етказиш бўйича топшириқлар берилди. Вилоят ҳокимлари мактабларни дезинфекция қилиш, антисептик воситалар, тиббий ниқоблар билан таъминлашга масъул этиб белгиланди.

– Ҳар бир раҳбар ўз вазифасини чуқур ҳис қилиб, ишга садоқат ва масъулият билан ёндашса, ҳам тизим ишлайди, ҳам халқимизнинг талабини бажарган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вазирлар ва вилоят ҳокимлари кун тартиби юзасидан ахборот берди.

ЎзА

2020 ЙИЛ 29 АВГУСТ, ШАНБА
№ 89-90-91-92 (4377)

Дунёнинг паст-у баландини билган одамлар йилнинг келишига қараб ундан нима кутишини айта олади. Аммо 2020 йил ҳаммани шоширди. У юртдошларимиз учун ҳам, жаҳон аҳли учун ҳам оғир келди. Мен ҳам узоқ йиллар сиёсатнинг ичида юрган, бу ҳаётда яхши-ёмонни, оқ-у қорани етарлича кўрган ва уни ажрата олиш тажрибасига эга инсон сифатида бу борада фавқулодда бир тугал фикр айтишга, тўғриси, қийналаман.

Негаки, шундоқ кўз олдимизда бўлиб ўтган воқеалар, элимиз бошига тушган ташвишлар одамнинг хаёлини шоширади, фикрларни жамлашга изн бермайди. Кўрган-кечирганларимиз, мажозий айтганда, трагик фильмлар мотивларига ёки босиринқи тушга ўхшайди.

Афсуски, бу кўраётганларимиз туш эмас. У реал ҳаётда юз берган ва бераётган воқеалар. Албатта, бўлиб ўтган ва ҳамон давом этаётган ҳодисалар силсиласи барчамизнинг оромимизни ўғирлади, дилимизни хуфтон қилди. Бироқ мен Шавкат Миромоновични узоқ йиллардан буён яқиндан биладиган, унинг орзу ўйлари, ички кечинмаларидан хабардор бир сафдоши сифатида айтишим мумкинки, бошимизга тушган бу ташвишлар энг кўп шу инсоннинг бағрини эзди, дилини яралади.



Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос

Зотан, **бу йилдан, барчамиздан ҳам кўра унинг умидлари кўпроқ эди**. Орзуларки, элимиз турмуш шароитини ошириш, оддий, меҳнаткаш одамлар косасини оқартириш, бу дунёга келиб, бир умр гувала деворли томлар тагида рўшнолик кўрмай, «ҳаёт шу экан, пешонамизга битилгани шу бўлса керак», дея кўрган кунига-да рози ўтаётган содда, камсуқум, сабр-бардошли ватандошларимиз кўнглини олиш, уларнинг эгилган қаддини кўтариш... Яна янги Ўзбекистоннинг юзи бўлмиш «Тошкент сити», Тошкент метрополитенининг ер усти линияси, аҳоли учун юзлаб турар-жойлар, ўнлаб замонавий завод-фабрикалар, юз минглаб янги иш ўринлари яратиш...


Бироқ дунё ишлари тизгини бандасининг қўлида эмас. Кўриб турганимиздек, чарх тескари айланди. Кўпни кўрган доноларимиз шаққатни одатдагидек оғир-вазминлик билан енгиб ўтди. Халқимизда «ҳар ёмон ишнинг ҳам бир хосияти бўлади», деган гап бор. Бу ҳар қандай ташвиш-у ситамларнинг ҳам киши учун ибрат оладиган жиҳатлари бўлади, қийинчилик ва синовлар одамни тоблайди, дегани аслида. Қолаверса, мен бундай фавқулодда ҳолатлар катта шахслар сийратидаги биз илгари илғамаган ғайришуурий қудратни ҳам юзага чиқаришининг гувоҳи бўлдим десам, адашмайман.

Очиқ айтсам, мен ўша ола-ғовур, бутун дунёни тўзғитиб ташлаган, айтилган гап беш дақиқадан кейин аслига тўғри келмайдиган, тўғри қарорга келиш юздан бир фоизга тенг кезларда Президентни қайта кашф этдим. Қарийб қирқ йилга яқин ёнма-ён юриб, иш тартиби, қобилияти ва фавқулодда истеъдоди қирраларини яхши биламан, деб ўйлаганим бекор экан.

Президент Мирзиёев ўша оғир дамларда, кулфат ва фалокат устимизга ёпирилиб келган дамда мен билган Шавкат Миромоновичдан юз карра кучли, матонатли ва иродали, халқи учун, эли учун жонини беришга тайёр бир ёвқир афсонавий ватан ўғлонидай кўз олдимда намоён бўлди. Албатта, бу мулоҳазаларни виждони бор, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кўриб турган ҳар қандай одам тан олади.

Ўша мушкул кунларда ишни тез ва тўғри йўлга қўйиб олишда давлатимиз раҳбари алоҳида жонбозлик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто Ўзбекистоннинг оғир аҳволга тушганини илғаган ва бундан чиқиш стратегиясини, энг муҳими, тўғри ва тез самара берувчи йўлни топа олганидан кўпчилик халқаро экспертлар ҳайратини яширмади. Холис ва адолатли айтганда, кечмиш фалокат ва фожиалар давлатимиз раҳбари ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам жиловни кўлга олиб, эл-юрт оғирини енгил қилиш учун курашишга, фавқулодда ҳодисаларга зудлик билан ечим топишга қодир стратег, прагматик сиёсатчи эканини намойиш этди.

Мен энди, орадан маълум вақт ўтиб, ҳовурлар ҳийла босилгач, ўйлаяпманки, давлатимиз раҳбарига узоқ йиллар туман ва вилоятлар ҳокимлари бўлган даври ҳамда Бош вазир сифатида орттирган тажрибаси ҳамиша қўл келади. Ўша даврда у киши юртимизнинг энг олис гўшаларигача кезган, у ерда яшаётган кишилар, оддий одамларнинг дард-у ўйи, орзу-истакларини жуда яхши билган, уларнинг азоб-уқубатларини, қийинчиликларини дилидан, жонидан ўтказган. Эҳтимол шунинг учун ҳам у сиёсатининг бош бўғинини оддий одамларнинг ҳаётини ёруғ қилиш, уларнинг ўмганини кўтариш, чин маънода, ҳаётдан, кўраётган кунларидан рози қилиш этиб белгилади.



Сўзимиз аввалида ортда қолаётган йилда бошимизга тушган ташвиш-у фалокатлар ҳақида гапирдик, уларни санагандай бўлдик. Келинг, энди уларнинг тафсилотлари ҳақида қисқа гурунг қилсак. Зотан, ўтган кунлардан сабоқ олиш ҳар доим хайрли бўлган.

Таҳликанинг жиловланиши

Биласиз, Хитойнинг Ухань шаҳрида коронавирус деган юқумли касаллик тарқалди. Очиқ айтсам, эсимни танигандан буён бундай балони кўрган-эшитган эмасман. У жуда тезликда кенг ёйилди. Франция, АҚШ, Бразилия, Мексика, Ҳиндистон... 2020 йил 15 март куни Вирусология институти лабораториясида Францияга бориб қайтган Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 коронавирус инфекцияси аниқланди...

Ўзбекистонда ҳам синов даври бошланди. Ўша таҳликали кезларда мен Муҳтарам Президентимиз ўтказган бир неча йиғилишларда иштирок этганман. Президент йиғилганлар олдида ўзини қанчалик вазмин ва дадил тутмасин, ичида оғир бир хавотир, исмсиз дард кезиниб юргани кўзларидан сезилиб турарди. Бу – дунёга ёйилиб кетаётган оғир бало, тилсиз ёвдан 34 миллион нуфусга эга халқимизни омон сақлаш, имкони борича талафотларни камайтириш, одамларнинг ҳаёти, турмуши ва саломатлиги учун масъуллик хавотири эди, назаримда.

Очиғи, кўпчилик қатори мен ўзим ҳам бу офат ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлган маҳаллар бунга унчалик жиддий эътибор қаратмаган, вирус Хитойда бўлса, чегараларни ёпсак хавф бартараф бўлади, деб ўйлаганман. Лекин масала биз ўйлагандай эмас экан. Образли қилиб айтганда, жин аллақачон кўзадан чиқиб кетган, уни назорат қилиш имконсиз аҳволга келган экан.

Айнан шу жараёнда мени ҳайрон қолдирган жиҳат шу бўлдики, коронавирус эпидемияси ҳали пандемияга айланмай туриб, ҳатто Европа у масалага жиддий қарамаган бир вақтда, 29 январь куни давлатимиз раҳбари мазкур офатнинг олдини олишга масъул бўлган махсус комиссия ташкил этиш борасида фармойиш қабул қилди.

Эсимда, ўша маҳал Президентни масалага ортиқча баҳо бераётганликда айбланганлар ҳам бўлди. Бироқ, воқеалар ривожи узил-кесил ташланган қадамнинг айни вақтида бўлганини тасдиқлади. Бу фазилат, албатта, шахсдаги тан олиш керак бўлган, асло кўз юмиб бўлмайдиган хислатдир. Бу, жуда кам одамларга яратган томонидан берилган савқитабиий – фавқулодда қобилият ҳисобланади. Бу, давлат раҳбарини чин Миллат Лидерига айлантира оладиган мумтоз донишмандлик белгиси эди.

Бугун кўриб турибмиз. Пандемия жаҳон иқтисодиёти ва ҳаётига жиддий зарар бўлди. Дунё бўйича ишсизлик даражаси ўсмоқда. Ҳатто, айрим мутахассислар коронавирус 1980 йилларнинг сўнггида, аниқроқ айтганда, 1987 йиллар АҚШда юз берган иқтисодий-молиявий буҳрондан ҳам ўтиб кетди, дейишмоқда. Ўшанда «Қора душанба» деб ном олган мазкур инқироз оқибатида Доу-Жонс саноат индекси 22,6 фоизга (бу унинг тарихидаги шу пайтгача энг катта пасайиш ҳисобланади) тушиб кетган ва бу бутун дунё молия-иқтисод сиёсатини қарийб издан чиқарган эди. Бошимизга тушган бу бало етказган зиён-заҳмат ҳам ҳали кўп таҳлил этилса, ажаб эмас.

Вақт ўтиб англаяпмизки, Президентдаги узоқни кўра билиш қобилияти, ҳали айтганимиздек, хавф солиб турган хатардан элулусни асраб-авайлаб олиб ўтиш, имкон қадар кам талафот бериш учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди ва қилаётир.

Яна бир гап. Одам кўнгли доимо оддийлик, соддалик ва самимийликка интиқ бўлади. У жони ачиб, юракдан айтилаётган сўзни сезади, унга жон, деб қулоқ тутади. Шу маънода айтадиган бўлсак, Президентимизнинг ўша кезлар одамларни бу балодан огоҳ этишга қаратилган, ҳушёрликка чақирувчи уйғоқ сўз ва мурожаатлари ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ...



Бугун кўриб турибмиз. Пандемия жаҳон иқтисодиёти ва ҳаётига жиддий зарар бўлди. Дунё бўйича ишсизлик даражаси ўсмоқда. Ҳатто, айрим мутахассислар коронавирус 1980 йилларнинг сўнггида, аниқроқ айтганда, 1987 йиллар АҚШда юз берган иқтисодий-молиявий буҳрондан ҳам ўтиб кетди, дейишмоқда. Ўшанда «Қора душанба» деб ном олган мазкур инқироз оқибатида Доу-Жонс саноат индекси 22,6 фоизга (бу унинг тарихидаги шу пайтгача энг катта пасайиш ҳисобланади) тушиб кетган ва бу бутун дунё молия-иқтисод сиёсатини қарийб издан чиқарган эди. Бошимизга тушган бу бало етказган зиён-заҳмат ҳам ҳали кўп таҳлил этилса, ажаб эмас.

Аммо, шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар бир инсон ўз ишига масъул, ҳушёр ва уйғоқ. Шукрки, орамизда гарчи йўқотишлар бўлса-да, ортиқча саросима, довдираш ва эсанкираб қолиш ҳолатлари учрамади.

Менталитетимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам оиладаги муҳит катталарга боғлиқ бўлади. Жамиятимизда ҳам мавжуд хатарларга нисбатан хотиржамлик ва бошга тушган кўргуликларни сабр-бардош билан енгиш кўникмаси Президентимиздан, у кишининг ўзини тутиши, масалага ёндашиши, мухтасар айтганда, яхши кунларга бўлган комил ишончидан шаклланди. У кишининг сурати ва сийратидаги қатъият одамларимиз ва жамият ҳаётига шундоқ кўчиб ўтди десам, ҳеч муболаға қилмаган бўламан. Бу борада, айниқса, тиббиёт ходимлари фаолияти таҳсинга лойиқ. Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, Йўлбошчига, унинг одамларни ишонтира олиш, ортидан эргаштириш қобилиятига боғлиқ.

Эътибор қилинг, дунёда хавфнинг номи ва келтирадиган хатари аллақачон маълум бўлган. Бироқ ҳаёт тўхтаб қолган эмас, одамлар бу ёвни тезроқ бартараф этиш, яқинлари, ватандошларига кўмак беришга интилишдан бир дақиқа бўлсин чекинган эмас. Албатта, бу ишларнинг бошида давлатимиз, Президентимиз турганини, у кишининг халққа, одамларга бўлган чексиз меҳрини, энг муҳими, бу ташаббуслар миллатни якдил ҳаракат қилишга, янада жипслаштиришга хизмат қилаётганини ҳар бир фикрли одам яхши англаб турибди. Президентимиз бу борада жиддий ҳаракатга киришган ўша январь ойидан буён ўтган кунларни кўз олдингиздан ўтказсангиз, қайноқ жараён бир зум ҳам тинмаганига гувоҳ бўласиз. Қаранг, пойтахт ва вилоятлар, туманлар марказларида янги шифохоналар барпо этилмоқда, бу масканлар чет эллардан келтирилган тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминланмоқда. Ҳатто дунёнинг энг нуфузли ва малакали шифокорлари олиб келиниб, халқимиз хизматига камарбаста этилмоқда. Баъзи қўшниларимиз ташқаридаги фуқароларининг айбини ўз гарданларига ташлаб «дарвозаларини» ёпиб олган бир пайтда, бизда минглаб хориждаги ватандошларимиз олиб келинмоқда, уларнинг соғлиғи, яшаш шароити ва келгуси ҳаёти ҳақида меҳрибонлик қилинмоқда.

Энди айтинг, булар ўз-ўзидан бўладими, ёки бўлмаса, чет элдаги нуфузли шифо масканларида бир кунда минглаб доллар тўпадиган шифокорлар иссиқ жойи, мўмай даромадини ташлаб бизнинг чиройли қош-қовоғимиз ҳурмати учун бу ерга келиб ўтирибдими?! Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, жуда кўп нарса ойдинлашади.

Бугун дунёда кечаётган воқеаларни кузатиб шу нарсани сездимки, давлатлар ва ҳукуматлар сийратида ҳам худди одамлардагидек феъллар бўларкан. Масалан, сахийлик, ўз фуқароларига меҳрибонлик, жонфидолик бу шароитда ҳаммада ҳам бирдек кўринмади. Баъзи давлатлар масалани «бизда коронавирус йўқ» дея юмалоқ ёстиқ қилишган бўлса, баъзилари масъулият ва хавфдан ҳимояланишни тўғридан-тўғри одамларнинг зиммасига осиб қўйди.

Бу ерда гап, албатта, маблағ ҳақида кетаётир... Бизда эса бу масалага жуда кенг ва инсоний нуқтаи назардан, айтиш лозим бўлса, Мирзиёевона қаралди. Жуда тез фурсатда 1 миллиард АҚШ долларидан ошиқ маблағга эга Инқирозга қарши



жамғарма шакллантирилди. Давлатга ва ғазнага қанчалик иқтисодий ва социал таъсири бўлмасин, бутун мамлакатда қатъий карантин тартиби ўрнатилди...

Бизда шу кунга қадар 40 823 нафар инсон инфекцияга чалинган ва шунинг 37 947 нафари яъни, 93 фоизи шифо топгани ана шу ғамхўрлик ва чора-тадбирларни жой-жойида қўллаганлик натижаси, десак асло хато бўлмайди. Қолаверса, бунда ортиқча ваҳимага берилмаслик, яратилган шароит ва имкониятлардан кўнгил тўқлиги ҳам муҳим роль ўйнади, десак тўғри бўлади.

Кўнгли нотинч одамнинг ишга, меҳнатга қўли бормайди. Бизда эса шу оғир шароитда ҳам кишиларимиз яратувчилик билан банд, ғалладан тоғ-тоғ хирмон кўтарилди, ши-

рин-шакар ноз-неъматлар бозорларимизни тўлдириб турибди, чор-атрофда ёш-ялангларнинг шодон қийқириқлари бир зум тинмайди... Бу одамга хуш кайфият бағишлайди, албатта.

Мана шулар ҳақида ўйлар экансиз, оддий бир ҳақиқат кундай равшан бўлади. Яратганнинг бизга берадиган неъмати – у хоҳ яхшилик бўлсин, хоҳ ёмонлик – ҳаммаси қандай яшашимизга, аниқ айтганда, ниятга боғлиқ. Терак экиб, ундан шафтоли кутиб бўлмайди. Қайдадир уруш, одамлар қон тўкмоқда, бир-бирини ўлдирмоқда. Қайдадир қўрқинчли сув тошқини, одамлар, қишлоқлар, шаҳарлар ҳайбатли тошқин остида қолиб кетмоқда. Қайдадир ўрмон ёнғинлари алангаси кўланкаси соя солмоқда. Қайдадир зилзила ёки кўп-кўп одамнинг уйини куйдириб юборган автоҳалокат, поезднинг йўлдан чиқиб кетиши ёки бўлмаса, самолётнинг қулаб тушиши...

Бу кўргуликлар XXI асрга келиб, оддий ҳодисага айланиб қолди. Учинчи минг йилликка келиб инсоният ўз тарихида кам учратган, олдинлари, ҳатто, эшитмаган ҳодисаларга гувоҳ бўлмоқда, унга унсизгина кўникишга мажбур бўлмоқда. Қаранг, коронавирус туфайли дунё мусулмонларининг энг муқаддас амали Ҳаж зиёрати тақиқланди. Ҳали айтганимиздек, ёзда бўлиши кўзда тутилган Токио олимпиадаси қолдирилди. Минглаб йирик корхоналар ишни тўхтатди, қанчадан-қанча авиарейслар бекор қилинди. Давлатлар бир-бири учун дарвозаларини ёпди...

Кўрмаяпсизми, табиий офатлар олдида одам боласи ожиз. У ёлғиз ва ҳимояталаб. Шиддат билан ўзгараётган мана шу нотинч дунёда бизга яхшилик ва меҳр-оқибат, ҳиммат ва раҳм-шафқат, ҳалол меҳнат ва яхши ният тоғдек таянч бўлади.

Шукр қилишимиз керакки, биз бугун шундай бахтдан бебаҳра эмасмиз...

Ҳеч ким ҳимоясиз эмас...

Йўл юрган йўловчи маълум манзилга етгач, бир нафас тўхтайди. Бир орта босиб ўтган йўлини сарҳисоб этади, бир боражак манзилига боқиб, режасини тузади.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги эшик қоқиб турган шу қутлуғ кунларда қўлга киритган ютуқлар, қад ростлаган улкан кошоналар, мўътабар динимизнинг кенг қанот ёйиши, ўғил-қизларимиз ўз истеъдодларини намойиш этиши билан боғлиқ эзгу ишлар билан бирга, юқорида айтганимиздек, бошимизга тушган ташвиш ва машаққатларни хаёлдан ўтказишимиз табиий.

Бироқ шуниси қувончлики, қисқа вақтда бошимизга тушиб ақлимизни шоширган, оромимизни бузган талафотлар жараёнининг бирортасида одамларимиз ҳимоясиз қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас.

Ҳатто, энг оддий, кўпчилик эътиборга олмайдиган жиҳатлар ҳам Президентимиз назаридан четда қолмади. Бу, айниқса, 27-28 апрель кунлари Бухорода тўфон бўлганида яққол кўзга ташланди. Ўшанда мамлакатимизнинг жуда катта қисмини забтига олган шамолнинг тезлиги айрим жойларда секундига 30-35 метрга етган. Офат, айниқса, Бухоро вилоятига кўп зиён етказди. Хўжалик тармоқлари жиддий зарарланди. Жумладан, нефть-газ, энергетика ва инфратузилма соҳалари, ижтимоий объектлар – касалхоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, кўп қаватли ҳамда аҳолининг якка тартибдаги уй-жойлари, қишлоқ хўжалиги экинлари, шунингдек, ғалла, пахта, мева-сабзавот майдонлари ва иссиқхоналар катта талафот кўрди.

Табиийки, ўша пайтнинг ўзидаёқ муҳтарам Президентимиз бутун эътиборни Бухоро вилоятига қаратди. Биринчи навбатда, «Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиш қабул қилинди. Шу билан бирга, шу пайтнинг ўзида табиий офат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирлар белгилаш, одамларнинг кўнглини кўтариш учун вилоятга етиб борди.

Очиғини айтганда, ҳар қандай кутилмаган фалокат одам боласини шоширади. Томларнинг тўфонда хазондай учиб юриши юракка ваҳм солади. Бундай пайтда ҳар ҳар ким ҳам бир оғиз таҳсинга маҳтал бўлиб қолади. Шундай палада ўша воқеалардан кейин Бухорога сафарим чоғида суҳбатлашганим, олотлик йигитнинг айтиб берганлари беихтиёр хаёлимда жонланади;

– Мен ўша кеч далада, эртаки экинларга сув тараётган эдим, – дейди Асатулла Атоев. – Аввалига ҳар доимги шамол-да, ўтиб кетар деб ўйладим. Йўқ, у сония сайин авжига олар, кўнгилдаги ваҳимани оширарди. Мен икки ўт орасида эдим. Нима муҳим, уй, болаларми ёки меҳнатим сингган, рўзғорим кўз тикиб турган томорқамми?.. Одам боласи оғир шароитда бари-бир уйга – ўлан тўшагига югураркан. Зўрға етиб келиб кўрдимки, болалар соғ-омон. Фақат иморатим катта зарар кўрган, том тўлиқ учиб кетган, айвон қисми ағдарилган. Хуллас, яшаб бўлмас аҳволда... Очиғи, буни кўриб ичим ҳувиллаб қолди. Чунки ота-онадан эрта етим қолиб, ҳаётнинг кўп ситамларини бошдан кечириб, туну кун меҳнат қилиб умрим давомида топган давлатим шу – бошпанам эди... Оғир ва тушкун кайфиятда қолдим. Тонг ёришиб кўзим билан кўрдимки, талофат кўрган битта мен эмас. Тўфон жуда кўпчиликнинг рўзғорига катта зарар етказган. Маҳаллада аста-секин қўшнилар йиғилиб, биз томонларга Президент келаркан, деган хабар болалади. Бунга кимдир ишонмаганини изҳор этса, кимдир, «у одам, албатта, келади, мана кўрасизлар», дея сўзини маъқуллатишга уринарди. Кўп ўтмай вилоятимизга Президент Мирзиёев келаётгани ҳақидаги хабарни ижтимоий тармоқдан ўқиб кўнглимиз ёришди. Тўғриси, кўз тиккан даласидан, уй-жойидан ажраган, бир этак боласи билан чорасиз, деярли кўчада қолган мендек одамлар учун бу, энг аввало, катта мадад эди. У киши туманимизга, биз томонларга ҳам келди, одамлар билан учрашди, далаларни кўрди. Биласизми, мен ўша кезларда у кишининг юзидаги ташвиш, кўзларидаги мунг аралаш меҳрни кўриб, беихтиёр раҳматли отамни эсга олдим. Отам бизнинг қийин аҳволдалигимизни кўрса шундай эзиларди, бор меҳрини, жону танини бергудай ҳаракатга тушарди... Шундай бўлди. Президентимиз одамларга барча кўрилган зарарларни давлат ўз зиммасига олишини, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини ваъда берди. Биз кўп ўтмай бунинг ижобатини кўрдик. Худога шукр, уйим олдингисидан ҳам зиёда бўлди. Томорқадан кўрган зарарларни ҳам қоплаб беришди. Янги ҳосил ҳам ёмон эмас. Ўзим ёш кўринсам-да, яқинда набирали бўлмоқчимиз. Ният қилганманки, туғилажак фарзандимиз ўғил бўлса, исмини Шавкатжон қўяман. Буни тўғри маънода тушунинг. Одам ўзидан ўтганини ўзи яхши билади. Шу одам шундоқ келиб, ундай-бундай деб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин Мирзиёев ундай қилмади. Офатдан зарар кўрган, рўзғори ярим бўлган одамлар олдига борди, уларнинг бошини силади, ҳеч ким қилмайдиган ҳимматни кўрсатди. Бу мардлик, тантилик. Бизда буни соддагина қилиб жўмардлик ҳам дейишади. Хўш, энди айтинг, нега энди мен бўлғуси зурриёдимнинг шу одам каби чин инсон, ватанпарвар ва миллатпарвар бўлишини орзу қилмаслигим керак!



Кўп ўтмай вилоятимизга Президент Мирзиёев келаётгани ҳақидаги хабарни ижтимоий тармоқдан ўқиб кўнглимиз ёришди. Тўғриси, кўз тиккан даласидан, уй-жойидан ажраган, бир этак боласи билан чорасиз, деярли кўчада қолган мендек одамлар учун бу, энг аввало, катта мадад эди. У киши туманимизга, биз томонларга ҳам келди, одамлар билан учрашди, далаларни кўрди. Биласизми, мен ўша кезларда у кишининг юзидаги ташвиш, кўзларидаги мунг аралаш меҳрни кўриб, беихтиёр раҳматли отамни эсга олдим.

Бухоро тўфони ва унинг талофатларини бартараф этиш ҳақида гап кетганда ҳар сафар шу йигит – Асатулланинг ёниқ сўзлари хаёлимда айланади. Ҳа, у ўшанда ёниб ҳикоя қилганди. Сўзлари самимий, юракдан эди. Одатда одам бировдан меҳр кўрса, адолатнинг рўёбини кўрса шундай, ҳаётга ишончи ошади, қалби яхшилик ва эзгуликка лиммо-лим тўлади.

Элни бирлаштирган тонг

Ҳаётимизда содир бўлган, элимиз бошидан ўтказган синовлар ичида бунисининг зарби бошқалариникидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

...Ўша тонгда Сардобада содир бўлган тошқин кўлами, унинг зиён-заҳмати давлатга ҳам, одамларимизга ҳам жуда қимматга тушгани бор гап. Тўғон ўпирилгач, 276 квадрат километр майдонни сув босган, 24 та маҳалладан 90 минг нафарга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилган. Энг ёмони, бу офат бир неча юртдошларимизни ҳам орамиздан олиб кетди...

Албатта, давлатимиз талафотлар оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган барча ишларни қилди. Ҳамма чора-тадбирлар кўрилди. Бу тошқиннинг кўнгилда ғашлик қўзғатадиган яна бир томони – қўшни Қозоғистонга ҳам унинг зарари етди. Сардобада рўй берган техноген офат туфайли Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктлари ҳам сув остида қолди. 845 та уй вайрон бўлган. 14 та қишлоқдан 31606 нафар одам эвакуация қилинган. Шубҳасиз, қўшниларнинг бошига тушган ташвиш бизникидан кам эмас эди...

Воқеанинг эртасигаёқ Президент воқеа жойига етиб борди. Ўзи пою пиёда тошқин босган ҳудуд, маҳалла ва хонадонларни лой кечиб кўздан кечирди. Совуқдан дийдираб нима бўлганини ҳам тушунмай қолган одамлар билан учрашди. Шу ернинг ўзида қилиниши керак бўлган ишлар режасини ишлаб чиқди. Аниқ ва пухта стратегия белгиланди. Шу ўринда бир нарсага аҳамият қаратиш ўринлики, биз тўрт йилдан буён мамлакат Президентининг оддий одамлар орасида юришига, тап тортмай далами, қир-адирми оралаб, кечиб кетаверишига, энг муҳими, ўзининг ўрнини оддий одамлар орасида, деб билишига ўрганиб қолган эканмиз.

Бироқ биз учун оддий ҳолатга айланиб бораётган Президентимизнинг бу халқчил ҳаракатлари ва ўзига хос характери қозоқ бародарларимизни жўштириб юборди. Жумладан, ўша таҳликали кезларда талафотдан биз билан бирдек азият чеккан бовурларимиз ижтимоий тармоқларда Президент Мирзиёевга нисбатан ҳурматлари ва ҳайратларини ёзиб қолдиришди.

Улардан бири – Насиба Ибрагимова. У «Фейсбук»даги саҳифасида шундай фикр қолдирганди: *«ўзбеклар талофат кўрган бародарларига кийим-кечак, егуликлар, кўрпа-тўшак тарқатяпти. Биз ҳам азият чеккан қозоқларимизга саховат кўрсатайлик. Орамиздан ташкилотчи чиқиб, бу тадбирни бутун Қозоғистонга ёйайлик... Ўзбекларни кўрмайсизларми, Президентининг ўзи, сув кечиб, йўқотган ҳамма нарсаларинг, ҳужжатларинггача янгилаб берамиз, деяётир...»*

Мунира Сактанованинг қисқагина изоҳи ҳам шу мазмунда:

«Ўзбекистон Президентига осон тутиб бўлмайди ҳозир, ҳаммасини ўзим қилиб бераман, деб гарданига олди. Бовурларимизга сабр берсин!»

Венера Елеушенова *«Талафот жойида шахсан Ўзбекистон Президентининг ўзи туриб қутқарув ишларига бош бўлмоқда»* деб ёзса, Алифбек Аминов деган фойдаланувчи *«Бундан ўрнак олса арзийди»* деб унинг фикрини маъқуллайди.

Хуллас, Президентимиз ва халқимиз бирдамлигига тасанно айтиб қолдирилган бундай фикрларга ижтимоий тармоқларда жуда кўп дуч келиш мумкин эди ўша кунлари. Бу ерда яна бир муҳим омил борки, буни гапирмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бу, халқнинг, миллатнинг якдиллиги, бирикиши ҳақидаги мулоҳаза. Тўғри, халқимиз ўз бошидан кўп кўргуликларни, бало-қазоларни ўтказган. Ҳар дамда бир-бирини суяган, дардига дармон бўлган. Лекин халқнинг Сардоба тошқинидан жабр кўрган ватандошларга ёрдамга чоғланганидай уюшқоқлик, сафарбарлик камёб ҳол, назаримда.

Хабарингиз бор, уйсиз кийим-кечаг-у кўрпа-тўшаксиз, егуликсиз совуқда дийдираб қолган сардобаликларга саховат кўрсатиш учун бутун мамлакат аҳолиси, халқимиз оёққа турди. Буни бутун дунё кўрди, халқнинг жипслашиши, бир ёқадан бош чиқаришига тасаннолар айтди. Шу ўринда XX асрнинг буюк ёзувчиси Франс Кафканинг кундаликларида миллатимиз шарафига битган кичик бир фикри хаёлимда айланади.

У «Тошкент нон шаҳри» асарини ўқиб бўлгач, кундалигига «бундай халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди» дея ўз иқрорини ёзиб қўйган... Албатта, халқимиз буюк ўтмишга, шонли тарихга эга. Бу муқаддас тупроқ кўплаб жасоратли ва қаҳрамон ўғлонларга бешик бўлган. Ана шу мард, танти ва миллатпарвар йўлбошчилар миллатимизнинг номини тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битиб қўйган. Халқни адолат ва ҳуррият сари ортидан эргаштира олган, ўз миллати, халқини бир мақсад йўлида жипслаштира олган Йўлбошчилар тарихда кам учрайди. Биз юқорида санаган воқеалар жараёни, айниқса, Сардоба масаласида бу жиҳат – миллатнинг бирикиши омили янада бўртиброқ кўринди.

Бироқ ҳар гал бўлганидек, бу сафар ҳам вазиятдан фойдаланиб ўртага адоват уруғини сочмоқчи бўлган қора кучларнинг таъсири шундоқ сезилиб турди. Аммо ўтмиши-ю кечмиши, тарихий илдизлари биз билан бир бўлган қозоқ бародарларимиз фожиага кенг қарашди. Бағрибутунлик хусумат алангасини ўчирди. Икки орани бузмоқчи, этни тирноқдан ажратмоқчи бўлган қора кучнинг ғаразли нияти амалга ошмади. Азал-азалдан ён қўшни-жон қўшни, қуда-анда бўлиб яшаб келган халқларимиз ўша серташвиш кунларда ҳам бир-бирларига ҳамдам, ҳамнафас, тоғдек таянч бўлди. Синовли дамларда гина-кудуратга ўрин қолмади.

– Қозоғистонлик бародарларимизга бу офат оқибатларини бартараф этишда албатта, керакли ёрдамни берамиз, – деди Президент. Ва шундай ҳам бўлаётир!

Эсингизда бўлса, ўша кезлар давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбарияти билан бир неча бор телефон орқали очиқ суҳбат қилди ва ўзаро келишувга эришди. Кучлар бирлашди. Ҳозир икки давлат ҳамкорликда талафот оқибатларини бартараф этаётир.

Оғир кунлар ортда қолди. Бир-биримизга кўрсатган меҳр-оқибат ва яхшилик ҳамиша кўнглимизга ойдинлик ва қувонч бағишлаб туради..

Қўшничилик – минг йилчилик...

Йил оғир келди. Қаранг, Бухорода сўнгги 50 йилда бундай тўфон бўлган эмас. Сардобада рўй берган тошқин ҳам ҳазилакам зарба эмас. Устига-устак, Сўх воқеалари...

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда қирғиз халқи билан, қирғиз бародарларимиз билан кўп хайрли ишларни қилдик. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Қўшничилик – минг йилчилик. Аммо афсуски, Сўхда ўша кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган факт. Бироқ бунинг сабабини миллатлараро низо, ўзаро чиқишолмаслик деб қараш нотўғри бўлади, назаримда. Зотан, Сўх воқеаларини юзага олиб чиққан сабаб фақат, айтилаётганидек сув сабабли эмас. Узоқ йиллар кўз юмиб келинган ижтимоий муаммолар, қозоннинг қопқоғини ёпгандай қилиб беркитиб ташланган халқнинг дард-у ташвишлари оқибатида, сабр косасининг тўлиши фонида юзага чиқди бу кўнгилхираликлар. Ўзингиз ўйланг, бир суверен давлатнинг фуқаросисиз-у ўша давлат халқи фойдаланадиган имкониятлар ва имтиёзлардан маҳрум бўлсангиз, ҳатто вилоят марказига бориш учун кимлардандур қуллуқ қилсангиз, болангизни жўнатиб, келгунича қон ютиб ўтирсангиз... Бундай кўргуликларга одам боласи қанча чидаши мумкин?! Сўхдаги воқеаларни шунга ўхшаш узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келаётган адолатсизликлар саҳнага олиб чиқди десак, тўғрироқ бўлади, менимча.

10 ▸



< 8-9

Энди шу ўринда Сўх тўғрисида маълумот бериб ўтсак. Зеро, айтмоқчи бўлган фикрларимизнинг унга дахли бор. Қолаверса, тарих ва аниқ маълумотлар моҳиятни чуқурроқ очишда ёрдам беради.

Демак, Сўх тумани 1942 йил ташкил топган. 1959 йилгача Риштон тумани таркибига киритилган. **1990 йил 27 февраль куни** у яна алоҳида туман сифатидаги мақомини тиклаган. Маркази – Равон шаҳарчаси.

Сўх аҳолиси ва майдони жиҳатидан дунёдаги энг катта эксклав ҳудуд ҳисобланади. Майдони – 352 км². Аҳолиси 80 минг нафарга яқин. Туман аҳолисининг катта қисмини тожик миллатига мансуб фуқаролар ташкил қилса-да, бу ерда азалдан ўзбек, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳам баҳамжиҳат, оға-инидек яшаб келишади.

Сўхнинг тарихи кўп кўҳна. Хусусан, чашма булоғи ҳам шундай. Бу ерда азалдан аҳиллиноқ яшаб келаётган халқлар бир булоқдан сув ичишади.

Собиқ иттифоқ даврида қўшни давлат билан чегара ҳудудда бўлган булоқ жойлашуви бўйича ҳужжатларда аниқлик киритилмаган. Шу сабабли мустақилликдан сўнг бу маскан баҳсли ҳудудга айланиб, икки мамлакат фуқаролари ўртасида сув талашиш сабаб баҳс-у мунозаралар илгарилари ҳам бўлиб турган.

Шу йилнинг 31 май куни «Чашма» участкасидаги воқеалар марказида яна шу булоқ пайдо бўлди. Кўзига қон тўлган ҳар икки томон ўзи ҳақлигини исбот этиш учун майдонга чиқди. Вазият ўта қалтис эди. Арзимаган нарсадан чиққан чақин оловга айланиши мумкин эди. Буни биз ўз яқин тарихимизда ҳам, дунёда бўлаётган воқеа-ходисалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Буни англаган Президентимиз одатига кўра, тез ва тўғри қарор қабул қилди. Масалани пайсалга солмай жойида кесди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан Бош вазир Абдулла Арипов воқеа содир бўлган куни Сўхга етиб келди ва вазият тўлиқ назоратга олинди. Икки давлат делегациялари учрашиб, ҳамкорликда мазкур масала ечимини муҳокама қилишди. Ҳудудда вазият барқарорлашишига эришилди.

Воқеаларнинг асл ҳолатини билиш учун ўша қайноқ кунларда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган бир инсоннинг фикрларига эътибор қаратсак:

– Чашма қишлоғида нохуш воқеалар содир бўлиб, бир қанча одамлар азият чекди, ***– дейди Фарғона давлат университети ўқитувчиси, сўхлик Раҳматжон Арслонзода.*** *– Ўн йилга яқин чегаралар ёпиқ бўлиб, кўп қийинчиликларни кўрдик. Президентимиз қўшни давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, чегараларни очиб берди. Бундан барчамиз миннатдормиз. Албатта, муаммо бор. Лекин унинг ечими биз ўйлагандек осон эмас. Бу давлатлараро муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, уни ҳиссиётга берилиб ҳал қилиш мумкин эмас. Давлат раҳбарлари музокаралар йўли билан бу муаммога ечим топади, албатта. Биз азалдан ўзаро аҳил-тотув, қуда-анда бўлиб яшаб келганмиз. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.*



2020 — МИЛЛАТНИ УЛҒАЙТИРГАН ЙИЛ

Сўхда юзага келган асосий муаммо – бу чегара билан боғлиқ. 2013 йил Риштондаги назорат ўтказиш пункти ёпилган. Сўхликларнинг вилоят марказига бориб келиши янада қийинлашган. Нимага десангиз, Фарғона шаҳрига бориб келиш учун икки давлат ҳудудидаги бир неча чегара ва божхона назоратидан ўтиш лозим. Қўшни мамлакат ҳудудида йўл юриш керак, бу – яна текширув дегани. Шунинг учун сўхликлар Риштон тумани бўйлаб йўл очиб беришни сўрамоқда. Хуллас, масала ечими чегара билан боғлиқ. Бу бўйича ҳукуматимиз бир неча йилдан буён музокара олиб бормоқда. Риштон ҳудуди орқали чегара постини очиш масаласи ҳам чегара билан боғлиқ иш. Бу ўз-ўзидан, ҳамирдан қил суғургандай битадиган иш эмас. Бунда амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этиш керак бўлади.

Ҳурматли Бош вазиримиз Абдулла Арипов Сўх тумани аҳолиси билан учрашувда одамларни қийнаётган муаммолар тугал ечим топишига алоҳида урғу берди. Йиғилган аҳолига Президентимизнинг дил сўзларини, Сўх бўйича режаларини етказди. Шундан сўнг республика вазирлик ва идоралари, вилоят бошқарма бошлиқлари туманга келиб, одамлар билан суҳбат ўтказди, уларнинг талаб ва таклифларини ўрганди.

Афсуски, ижтимоий тармоқлар мазкур ҳудудда бўлган ўша можарони ҳамон турлича талқин этаётир. Бу эса одамларни чалғитмоқда. Вазиятдан фойдаланиб, қора кучлар ўт чиқаришга уринмоқда. Аммо халқимиз бундай ҳодисотни кўп кўрган, ҳеч қачон қутқуларга учган эмас. Асл билан рўёни фарқлай оладиган халқимиз бор. Бугун сўхликлар Президентимиз меҳрини дилдан ҳис қилиб, ҳаётларидаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришмоқда. Қаранг, туманда вилоят марказига ҳаво парвозлари йўлга қўйилиши, олий таълимга тест синовларида туман ёшларига қўшимча имтиёзларнинг берилиши, инфратузилманинг замонавийлашиши, тадбиркорларга алоҳида преференцияларнинг жорий этилиши... Қолаверса, аҳолининг табиий газ таъминотини яхшилаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш борасида қилинган ва қилинаётган ишлар фикримизнинг тасдиғидир.

Очиғини айтганда, Президентимизнинг «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туман аҳли учун катта имкониятлар эшигини очди. Бундай қарор тарихда бўлган эмас. Эътибор қилинг, унга кўра, 639 миллиард сўм қийматга эга 146 та лойиҳа амалга оширилади.

Замонавий ва рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соҳани қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мазкур лойиҳалар негизини ташкил этади.

– Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан чегарадош жойлардаги кўп муаммоларни ҳал қилишга эришдик, – дейди давлатимиз раҳбари. – Сўхдаги воқеалар қирғиз халқи билан дўстлигимизга, борди-келдимизга, режаларимизга таъсир қилмаслиги керак. Вазмин, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишимиз зарур. Қўшничилик – минг йилчилик... Дарҳақиқат, биз неча минг йиллардан буён бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни суйиб яшаб келаётган халқлармиз. Биримизнинг ғалабамиз доим иккинчимизни хурсанд қилган. Элнинг буюклари, истеъдодлари ҳам доим ўртада ардоқли бўлган.

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ўлмас асарлари она тилимизда қайта-қайта чоп этилаётгани, гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги энг кўркам кўча унинг номи билан аталиши, ҳамманинг ҳавасини келтираётган обод ва тароватли Манас шаҳарчаси ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигининг мумтоз намунасидир.

Президентимизнинг «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туман аҳли учун катта имкониятлар эшигини очди. Бундай қарор тарихда бўлган эмас. Эътибор қилинг, унга кўра,

639 миллиард сўм

қийматга эга

146 та лойиҳа

амалга оширилади.



Ўзбекистоннинг янги марвариди

Бугун бутун туркий халқлар Самарқанд-у Бухоро билан ҳақли равишда ифтихор қилади. Сиз яхши биласиз, бу афсонавий шаҳарлар бир кунда бино бўлмаган. Улуғларимиз, ота-боболаримиз асрлар давомида қон билан, пешона тер билан, меҳр билан уларга сайқал берган.



Мустақиллик бошларида ва ҳатто бундан тўрт-беш йил илгари ҳам Мўйноқ деса, одамларнинг тепа сочи тикка бўлар эди. Оналар ўлими, болалар ўлими, денгиз ўрнидан кўкка учаётган ҳайбатли чанг-ғубор ҳақида ауҳаннос солар эди. Бугун Оролбўйи яшил ҳудудга айлантирилмоқда, Мўйноқ замонавий шаҳарча тусини олмоқда. Яқинда эса Мўйноқда яна бир кўркам бино қад ростлади. У Бўзатовда жойлашган. Номи – «Оқ кема». Болалар соғломлаштириш маскани.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида «Аргументы и факти»да ўқиган бир фикр ҳаёлимдан ўтди: «Илгари, – деб ёзади унда коинотшунос олим, – денгиз ўрнидан кўтарилган чанг-туз шарққа қараб ҳаракатланар эди. Ҳозир эса бу хавфли-хатарли тўзон ғарбга қараб силжиётир»...

Олим бу билан Орол муаммоси нақадар глобал аҳамият касб этаётганини таъкидлайди. Президентимиз кейинги йилларда Орол атрофида амалга ошираётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари нафақат биз учун, эҳтимолки, биздан олисларда яшаётган, бизни ҳатто танимайган одамлар ҳаёти учун ҳам ғоятда аҳамиятлидир. Гап Мўйноқ ҳақида кетар экан, шаҳарча айни даврда ўзининг янгидан туғилиш даврини бошдан ўтказмоқда. Унда қад ростлаган муҳташам оромгоҳда ўғил-қизларимиз мароқли дам олиш билан бирга жисмонан чиниқади, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини оширади... Унинг ҳудуди 12,7 гектар. У эзгу ниятлар билан «Оқ кема» дея аталган.

Президентимиз кўрсатмаси ва топшириғи билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бу иншоот қурилиши учун 36 миллиард сўм ажратди. Қурилиш ишларини «Шорахан қурилиш монтаж» МЧЖ амалга оширди.

«Оқ кема» оромгоҳи бир навбатда 250, йил давомида 600 нафар болани қабул қилади. Марказ ётоқхоналари бежирим жиҳозлар билан таъминланган. Футбол, баскетбол, волейбол майдончалари ва сузиш ҳовузи мавжуд. Стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун махсус жойлар қилинган. Амфитеатр ва китобга бой кутубхоналар ишлаб турибди. Тиббиёт хоналари, ошхоналар замонавий ускуналар билан таъминланган. Оромгоҳ хизматчилари 50 тадан ортиқ. Бу – янги иш ўринлари дегани...

Мен бу мисолни ўзим кўзим билан кўрган, бўлаётган ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлганим учун келтирмоқдаман. Ҳолбуки, бугун Мўйноқда ўнлаб ана шундай бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Халқнинг турмуши фаровонлиги учун мислсиз эътибор қаратилмоқда. Насиб бўлса, Мўйноқ Ўзбекистоннинг «марвариди»га айланади.

Куни кеча эса Мўйноқ аэропортига самолёт қўнди... Бу Ўзбекистоннинг энг чекка ва узоқ йиллар эътибордан четда қолган, энг катта офат – қуриган Оролнинг ситамларини тортиб келаётган мўйноқликларга ҳаётнинг тотли насимлари мудом эсиб турганини, шу билан бирга халқнинг дардини бир дам унутмайдиган Йўлбошчининг улкан ислоҳотлари самарасини кўрсатади.

... Жонажон Ўзбекистонимиз бўйлаб, гарчи шунча ташвишларга қарамай, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари эса алоҳида мавзу...

Эътибор қилдингизми, арзимаган 7-8 ой ичида халқимиз, мамлакатимиз қандай ташвишларни бошидан ўтказди?! Албатта, ҳар қандай жароҳат ҳам қизиғида билинмайди. Лекин уни бартараф этиш, ҳаётимизда унинг «оғриқ»ларини имкон қадар кучсизлантириш, одамларнинг кўнглини олиш, бошини силаш, уларни рози қилиш, ҳеч кимнинг кўзидан ёш оқизмасдан шу оғир юк билан олдинга, тараққиёт ва ёруғ кунларга интилиш... Нима, булар ўз-ўзидан бўладими?!

Агар сезган бўлсангиз, биз шу қисқа фурсатда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида содир бўлган 3-4 муҳим, ташвишли воқеа тафсилотларини мухтасаргина шарҳладик. Зотан, айни ўша омиллар бугун юртимизда юз бераётган тарихий, оғир кечмишли жараёнларнинг мундарижасини белгилайди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб тутилган оқилона йўл, ҳассос донишмандлик, халқчил қарорлар, кучли сиёсий ирода ва енгилмас сабр-матонат, бу ғалабанинг асоси бўлади. Ўйлаб кўринг, дунё давлатлари биргина коронавирус пандемияси билан олишиб, иқтисоди, ижтимоий аҳволи карахт аҳволга келиб қолган, вазиятлари таранглашган бир пайтда, Ўзбекистон давлати ва халқимиз ижтимоий-иқтисодий таъсир зарбаси пандемияникидан кам бўлмаган яна бир неча оғир синовларни ҳам бошидан кечирди.

Бу фақат айтишга осон. Кўриб турибмиз, кўплаб давлатлар саросимада ўз суверенитетини хавфга қўйиб бўлса-да, синиқ карсонини кўтариб дунё кезиб чиқди. Бироқ Ўзбекистон ўз сиёсий позициясидан оғишмади, ҳар турли иқтисодий экспансиялардан ҳимояланди. Бундай қарорларни қабул қилиш, оғир вазиятда тўғри йўл танлаш одамдан, албатта, катта билим, юксак тафаккур талаб этади.

Мана, пойтахт кўчаларига чиқинг, вилоятлар, туманлар марказлари, олис қишлоқларни кезинг, барча гўшада қурилиш, бунёдкорлик. Кўриб кўзинг қувонади. Энг муҳими, одамлар кўзида эртанги ёруғ кунларга ишонч порлаб турибди. Яратиш, ўқиш-ўрганиш ва меҳнат шавқи болаларимиз юз-кўзларида балқимоқда. Ўрни келганда шуни айтишим керакки, бошимиздан кечирган ва кечираётган шунча кўргуликлар фонида жамиятда бундай қатъий ишонч пайдо қилиш учун аввало, Йўлбошчининг ўзида шу ишонч ва матонат бўлиши керак. Бизнинг бахтимиз шундаки, Президентимиз томирларида худди ёвқур боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Темурларникидек ҳаққа ва адолатга, яратувчилик ва бунёдкорликка ташна қон оқиб турибди. Бу жафокаш ва матонатли халқимизнинг бахтидир!



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нуробод тумани кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, маънавият ва маърифат тарқатиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган зиёлиларни, ўқитувчи ва мураббийларни

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН

чин дилдан самимий табриклайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлишини, фарзандлар, набираларнинг бахт-у камолини кўриш насиб этишини тилайди! Юртимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН БАЙРОҒИ

Юрт байроғин ҳар жойгамас,
Кўнглингга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур,
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб,
Токи ғаним – ватанхўрлар
Ололмасинлар суғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермак осон кечар бўлсин.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Азиз юртдошлар!

Барчангизни
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
билан самимий табриклаймиз!

Мана шу улуғ айёмда барча-барчага, хусусан, Ватанимиз ва халқимизга ўзининг билим ва заковати, маънавий салоҳияти билан хизмат қилаётган илмий ва ижодкор зиёлиларимизга янги-янги ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз! Азм-у шижоатли ёшларимизнинг, барча фарзандларимизнинг бахт-у камолини, омадини берсин!



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нарпай тумани кенгаши



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?
Нечун ватан, дея еру осмонин,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман?
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтгин, десалар менга.
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин,
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси барча юртдошларимизни ***энг буюк, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билан*** *самимий мубораквод этади!*

29

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-у барака ва фаровонлик тилаймиз. Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида амалга ошираётган ишларингизда зафарлар ёр бўлсин! Мустақиллик қадри боқий, байрам шукуҳи файзли, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚУТЛУҒ ИСТИҚЛОЛ КУНИДА

Бу ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгил,
Ўзни озод қуш каби кўрмоқни истайдир кўнгил.

Бу Ватан тимсоли бўлса тонг қуёши шуълавор,
Шуълалар қўйнида чарх – урмоқни истайдир кўнгил.

Ул Ватанга байроқ – инсоф, туғи сарҳад муҳри – меҳр,
Сарҳад узра соқчидек турмоқни истайдир кўнгил.

Ким бу тупроқ қадрин истар айламоқ тупроққа тенг,
Кўзига тупроқ билан урмоқни истайдир кўнгил.

Ул Ватан елканларини маърифат уммонида
Қиблаи имон сари бурмоқни истайдир кўнгил.

Бас, етар ёлғон саодат, ёлғон эрк, ёлғон ватан,
Ҳуррият завқини чин сурмоқни истайдир кўнгил.

Қутлуғ истиқлол кунида, эй Ватан, бағрингда шод
Эркин ўғлонинг бўлиб юрмоқни истайдир кўнгил.



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши жамоаси барча юртдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ

билан мубораквод этади!

Ушбу қутлуғ кунларда барчага соғлиқ-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад ёр бўлишини тилаймиз! Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин! Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

СЕНИНГ ҲУЗУРИНГГА ЭЛТАР БАРЧА ЙЎЛ

Эй, менга эртаклар сўйлаган Замин,
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг.
Ўзгалар наздида Боғи Эраминг
Жийданг япроғига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,
Ялпизлар ястанган дала-даштларинг.
Осмонга туташган оқтерак ўлкам,
Кўнглимда ўзгача сайр-у гаштларинг.
Ватан, қадрим уйи – хонақоҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Олтин бешик узра аллалар айтиб,
Ҳамиша бедорим – онаизорим.
Жилғаси жаранги тонгда уйғотиб,
Юрагимга кириб келган баҳорим.
Ватан, кунда боқиб тўймайин, кимсан
Оқ оғриниб ботар саждагоҳимсан.

Суйиб сийм-танимга солган сен чўғни,
Пойинг ўпсам арзир чўққа тушиб тиз.
Сен-ку мангудирсан, мен борму-йўқми,
Мен қайдан кунимни кўрардим сенсиз.
Ватан, жонга жондан яқинроғимсан,
Қавмим илдиз отар саждагоҳимсан.

Алқаб мени кузат, илҳақ мени кут,
Эй бир парча булут, эй бир парча йўл.
Омон бўл, сен борки дунёлар унут,
Сенинг ҳузурингга элтар барча йўл.
Ватан, мен келсам ҳам келган ёғимсан,
Кетсам ҳам асқотар қароргоҳимсан!..

Фарғона вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...



Билса ҳазил, билмаса чинми?

Халқимизда «Мард майдонда билинади», деган нақл бор. Бунинг исботини пандемия шароитида ҳузур-ҳаловатидан кечиб, тождорвирусга қарши мардонавор курашган шифокорлар тимсолида яна бир бор кўрдик. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли кўринмас балони юқтириб олган қанчадан-қанча юртдошларимиз соғайиб, оилалари бағрига қайтди.

Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 12 нафар ходими ҳам ушбу марказда ташкил этилган карантин госпиталига жалб этилди. Улар шу йилнинг 29 апрель санасидан 12 майгача 14 кун мобайнида оиласи ва яқинларидан узоқда қолиб, коронавирус инфекциясини юқтириб олган беморлар билан мулоқотда бўлган фуқароларга тиббий хизмат кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида бундай фидойи ходимларга белгиланган ойлик лавозим маошига 6 фоизлик қўшимча тўловларнинг жорий этилгани эса яна бир рағбат бўлди. Аммо...

Карантин госпиталига ишга жалб этилган 12 нафар ходим 14 кун давомида ҳар куни 12 соатдан ишлаган бўлса-да, иш вақтини ҳисоблаш табелига 6 соат қайд этилди. Бу эса карантин госпиталида ишлаган ходимларнинг норозилигига сабаб бўлди.

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ишчи гуруҳи мазкур ҳолатни ўрганиб чиқиб, иш берувчига бунинг нотўғри эканини тушунтирди. Шундан сўнг 14 кунлик карантинда ишлаган ходимларнинг иш вақти қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тўланмай қолган 17 миллионлик иш ҳақи тўлаб берилди. Шу тариқа иш берувчининг найранги фош этилиб, ходимларнинг ҳуқуқи амалда таъминланди.

Орзугул ҚОЗИХОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳнат инспекциясининг Фарғона вилоятидаги меҳнат ҳуқуқи инспектори

Самарқанд вилояти

Бунёдкорлик



Янгиланаётган қиёфа

Нуробод тумани ҳудудида ястаниб ётган қақроқ даштнинг 420 метр қаъридан қайнаб чиқаётган маъданли сув моддаси одам организми учун ниҳоятда фойдали. Шу боис бу ерда касаба уюшмалари тасарруфидаги Абу Али ибн Сино номидаги санаторий қарийб ярим асрдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 200 ўринли сиҳатгоҳда юртимиз ва хорижий давлатлардан келган кўплаб беморлар мароқли дам олиб, дардларига шифо топишган.

Аммо кейинги йилларда бу ердаги хизмат кўрсатиш сифати пасайиб кетди. Хусусан, бино ва жиҳозларнинг эскилиги, сиҳатгоҳда тоза ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар ҳақли эътирозларга сабаб бўлди. Бу эса касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолмади.

Айни пайтда бу ерда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан 100 ўринга мўлжалланган 5 қаватли янги бинолар қад ростламоқда. 44,8 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд этилаётган янги бинода дам олувчилар учун барча шароит яратилмоқда. Хусусан, санаторий замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Ҳозир 3-таъмирлаш, қурилиш монтаж бошқармасининг тажрибали қурувчилари пардозлаш ишларини якунлаш арафасида. Тез орада янги қиёфага кирган санаторий дам олувчиларни қабул қила бошлайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Устувор вазифалар таҳлили,





Ахборот асридаги арзирли ютуқлар:

СОҲА ХОДИМЛАРИ МАНФААТЛАРИ МУНТАЗАМ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишларнинг самараси халқимиз турмуш тарзида акс этмоқда. Хусусан, жадаллик билан ривожланаётган бугунги техника асрида ахборот технологияларига катта эътибор қаратилаётгани, ҳар бир соҳа электрон форматга ўтаётгани юртдошларимиз оғирини енгил қиляпти. Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг сўнгги беш йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинган қурултойда бу ютуқлар эътироф этилди.

Ҳисобот даврида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси асосий эътиборни меҳнатга ҳақ тўлаш, белгиланган тартибда кафолатланган иш ҳақи миқдорини ошириб бориш чораларини кўриш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини ўрганишга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросига қаратди. Натижада иш ҳақининг тармоқ ва тариф келишувлари, жамоа шартномаларида белгиланган даражадан кам бўлмаслиги таъминланишига эришилди.

Бу борадаги тадбирларни сифатли амалга оширишда тизимдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ва масъулият билан ёндашиш масаласи доимий эътиборда бўлди.

Ҳаракат дастурида бандлик соҳасидаги вазифалар ҳам белгиланган бўлиб, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, иш билан таъминланиши учун шарт-шароит яратилишида иш берувчилар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Ходимларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, янги ва қўшимча иш жойларини яратиш бўйича мониторинг олиб борилди.

Ҳисобот даврида бошланғич ташкилотлар сонини ошириш масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. 2019 йил 2 февралдаги «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳарида ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари, шунингдек, туманларда ахборот кутубхона марказлари ташкил этилди ва уларда босқичма-босқич бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузиш ҳамда тармоқ келишуви асосида жамоа шартномасини ишлаб чиқишга амалий ёрдам берилди.

> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ТУРЛИ СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 200 ТАДАН ЗИЁД КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАДА «МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ» ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРДА 38 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ИШЧИ-ХОДИМНИНГ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНДИ.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида фаолияти йўлга қўйилган 12 та рақамли нодавлат телевизион каналда ҳам бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури доирасида технопарк фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари техно парки дирекцияси» IT-парк ташкил этилди. Ҳамкорликдаги ишлар натижасида 50 нафардан ортиқ ходим касаба уюшмасига жалб қилинди. Тез орада Андижон, Қўқон ва Гулистон шаҳарларида ташкил этилган технопарк ходимлари ҳам касаба уюшмасига қамраб олинади.

Бошланғич ташкилотлар сайланма органлари фаоллари ва касаба уюшмаси аъзолари ҳамда иш берувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар қандай низоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Иш берувчи ва касаба уюшмасига эслатма» тариқасида қўлланма ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Хотин-қизлар ва меҳнат низолари комиссиялари раислари, аъзолари ҳамда янги сайланган касаба уюшма қўмиталари раислари учун интерактив усулдаги ўқув машғулотлари уюштирилди. Тизимдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тизимли равишда ўтказилди.

Хорижий ва мустақил ҳамдўстлик давлатлардаги турдош касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик кўлами кенгайтирилиб Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Озарбайжон алоқа ходимлари касаба уюшмалари билан ҳамкорлик келишувлари имзоланишига эришилди. Айни пайтда ЮНИ – Халқаро касаба уюшмалари ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ушбу ташкилот вакиллари билан музокара олиб борилмоқда.

Ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳар йили ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тадбирлар режаси қабул қилиниб, белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишига эришилди.

> МЕҲНАТДА ЖАБРЛАНГАН, БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ШАХСЛАРГА ИШ БЕРУВЧИЛАР ЗАРАР ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАМАЁТГАНЛИК МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРДАН КЕЛИБ ТУШГАН 8 ТА ЁЗМА, 170 ТА ОҒЗАКИ АРИЗА ВА МУРОЖААТГА ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИЛДИ. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН «111 САВОЛГА 111 ЖАВОБ» НОМЛИ ҚЎЛЛАНМА БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРГА БЕҒАРАЗ ТАРҚАТИЛДИ.

Вазирлик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгаши масъул ходимлари иштирокида муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида меҳнат жамоаларида давра суҳбатлари ўтказилди. Айниқса, чекка туманлардаги ходимларнинг меҳнат шароити ҳамда ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилди.

Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий шериклик тамойили асосида янги муддатга қабул қилинаётган жамоа шартномалари лойиҳаларига Республика кенгаши эксперт комиссияси томонидан тегишли хулосалар берилди.

Ҳар ярим йил якунида барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ижроси юзасидан таҳлилий-танқидий руҳдаги конференциялар ўтказилди. Кенгаш масъул ходимлари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатишди. Жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ва ишламаётган пенсионерларнинг байрамлар арафасида ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам берилди.

Тармоқ, тариф келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ва аниқланган муаммоларни ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда ўз вақтида бартараф этиш натижасида ўртача ойлик иш ҳақини ҳар йили ўрта ҳисобда 20 фоизга оширишга эришилди.

Ҳисобот даврида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатлари бўйича тарғибот ишларига жиддий эътибор берилди. Жумладан, касаба уюшма қўмиталари раислари ва аъзолари учун ташкил этилган «Бошланғич касаба уюшмаси куни»да Бош қомусимиз, кодекслар, янги таҳрирдаги «Меҳнат муҳофазаси» ва «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунларни амалда қўллаш бўйича ҳуқуқий тадбирлар, семинар, ўқув машғулотлари ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Касаба уюшмалари ва уларнинг жамоатчилик назоратини бажарувчи комиссия аъзолари учун 15 тадан ортиқ қўлланма ва йўриқномалар тайёрланиб, жойларга етказилди. Республика кенгаши расмий веб сайтида ҳуқуқий савол-жавоблар рукни ташкил этилиб, мунтазам равишда тавсиялар жойлаштирилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши бўйича жамоатчилик комиссиялари фаолиятини йўлга қўйиш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг филиалларида 100 га яқин ўрганишлар ўтказилди. Натижалари бўйича тайёрланган маълумотлар Республика кенгаши Раёсати йиғилишларида муҳокама этилди. Тегишли қарорлар қабул қилиниб, бажарилиши назоратга олинди.

Республика кенгашига соҳа ходимларидан 201 та ёзма ва 579 та оғзаки мурожаат, корхоналар, бошланғич ташкилотлардан келиб тушган 138 та хат ва ҳужжатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 90 фоизидан ортиғи қаноатлантирилди. 20 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқи судларда ҳимоя қилинган бўлса, қолганларига тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси масаласи касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Республика кенгаши уларга яратилган шароитларни яхшилашга эътиборни йил сайин кучайтириб бормоқда. Жумладан, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, боқувчисини йўқотган оилаларга товон ва зарар тўловлари ўз вақтида тўланиши Раёсат йиғилишларида кўриб чиқилиб, ижроси таъминланди. Ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари 103 та корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ҳолатини ўрганиб чиқди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли мутахассисларга ҳамда касаба уюшмаси қўмиталари аъзоларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнатда жабрланган, боқувчисини йўқотган шахсларга иш берувчилар зарар тўловларини тўламаётганлик масаласи бўйича фуқаролардан келиб тушган 8 та ёзма, 170 та оғзаки ариза ва мурожаатга ҳуқуқий ҳамда амалий ёрдам берилди. Республика кенгаши масъул ходимлари тайёрлаган «111 саволга 111 жавоб» номли қўлланма барча ташкилотларга бепул тарқатилди.

Корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишини тизимли равишда амалга ошириш борасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан кўрик-танловлар анъанавий тарзда ўтказилмоқда. «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, улар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил қилиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида 200 тадан зиёд корхона, ташкилот ва муассасада «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда 38 минг нафардан зиёд ишчи-ходимнинг иштироки таъминланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида мини футбол бўйича соҳа кўчма кубоги мусобақалари худудларда тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. «Ўзбектелеком» АК ва бир қатор ташкилотлар ўртасида спортнинг волейбол, мини футбол турлари бўйича мусобақаларни мунтазам ўтказиш йўлга қўйилди. Ахборот технологиялари соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимлар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказиш ҳам мунтазамлик касб этди.

Ҳар йили вазирлик билан ҳамкорликда ишчи-ходимларнинг мактаб ёшидаги фарзандларининг 40 фоиздан зиёди соғломлаштирилди.

Анжуманда Республика кенгаши ва раёсати, тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қурултойига делегатлар сайланди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раислигига Асрор Эшонхўжаев номзоди бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.







истиқбол режалари муҳокамаси











Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ИНТИЛИШ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда металлургия, автомобилсозлик, электротехника саноати соҳалари жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Глобал инвестицион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, маҳсулотларни локализация қилиш орқали кўпдан-кўп янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик машинасозлигини модернизация қилиш, электротехника ва автомобилсозлик соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси қурултойида бу бу борада эришилган натижалар алоҳида эътироф этилди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги 238 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида 66873 нафар аъзо меҳнат қилиб келмоқда. Республика кенгаши уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиб келмоқда. Ходимлар малакасини ошириш, бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрнини мустаҳкамлаш доимий эътиборда.

Янгидан ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлар ходимларини тармоқ касаба уюшмаси хизматига қабул қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилларида 73 та бошланғич ташкилот, 375 та цех қўмитаси жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 14 111 нафар ходим аъзоликка олинди.

«Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари куни» муносабати билан тармоқ Республика кенгаши масъул ходимлари корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшма ходимларига амалий ёрдам кўрсатиб келишди. Шу билан бирга янги касаба уюшмаси хизматига қабул қилинган ташкилотларга фаолиятни тўғри йўлга қўйишда мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур ишлар натижаларини ҳар икки йилда бир марта бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови якунларида яққол акс этди. Ҳисобот даврида кўрик-танлов ғолиблигини тармоқ тизимидаги бир қатор корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари эгаллади.

Ишчи-ходимларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантириш орқали уларнинг профессионал даражасини ошириш, «Устоз-шогирд» анъаналарини қўллаб-қувватлаган ҳолда соҳада меҳнат қилаётган моҳир касб эгаларига ёш мутахассисларни бириктириш мақсадида ҳар икки йилда «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимида кўп йиллик самарали меҳнат қилиб келган бир қатор фаоллар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишонига сазовор бўлишди.

Тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган, нафақадаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар ҳамда касаначиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида асосий эътибор корхона ва ташкилотларда тузилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ролини оширишга қаратилди.

Ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари тадбирларининг бажарилишини таъминлаш, ходимлар меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, жамоа шартномалари асосида ходимларга сарфланаётган пул маблағлари миқдорининг ошириб борилишига эътибор кучайтирилди.

Тармоққа қарашли 18 та йирик ташкилотда 1059 нафар касаначи турли йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Касаначиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда.

Иш берувчиларнинг энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш бўйича доимий назорат ўрнатилди.

2015 йилда Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг ижросини таъминлашга 7 миллиард 461 миллион 941 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йил 31 миллиард 62 миллион 194 минг сўмни ташкил этди. Шундан 25 миллиарддан ортиғи корхоналар, 6 миллиарддан зиёди бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан сарфланди.

> БУГУНГИ КУНДА ТАРМОҚ ТИЗИМИДАГИ 238 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА 20858 НАФАР 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАЁТГАН ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЁШЛАРДАН ИБОРАТ. ИШ ФАОЛИЯТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЁТГАН, ЖАМОАТ ИШИДА ФАОЛЛИК КЎРСАТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР МУНТАЗАМ РАВИШДА РАҒБАТЛАНТИРИБ КЕЛИНМОҚДА.

Ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳоли бўлган шароитлар яратиб берилиши устидан касаба уюшмасининг доимий жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, тармоқ касаба уюшма ходимлари ҳамда фаоллари меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Тармоқ корхоналарининг янги тузилган жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича битимларни тузишда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилди. Бу орқали ишчиларга меъёрий иш шароитлари яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича аниқ тадбирлар киритилишига эришилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» агентлиги билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича доимий ҳаракатдаги комиссия аъзолари меҳнат муҳофазаси бўйича аттестациядан ўтказилди.

Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ҳар йили кўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда.

Ҳисобот йилларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 145 та корхонанинг фаолияти ўрганилиб, 1178 та меҳнат муҳофазаси бўйича қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 99 та тақдимнома киритилиб, бартараф этилишига эришилди.

Тармоқ тизимидаги жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 169 та мурожаатнинг 74 таси қаноатлантирилди, 5 таси тегишлилиги бўйича ваколатли идораларга юборилди, қолганига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. «Ишонч телефони» орқали келиб тушган мурожаатларнинг барчаси қаноатлантирилди.

> ҲИСОБОТ ЙИЛЛАРИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА 145 ТА КОРХОНАНИНГ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛИБ, 1178 ТА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ҚОНУН, ҚОИДА ВА МЕЪЁРЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ АНИҚЛАНДИ. УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ИШ БЕРУВЧИЛАРГА 99 ТА ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛИБ, БАРТАРАФ ЭТИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ.

Халқаро ҳамкорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бир қатор хорижий турдош касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2017 йилда Халқаро Евроосиё Металл ишчилари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида икки томонлама келишув имзоланди.

2017 йилда юртимизга келган «IndustriALL» иттифоқи бирлашмасининг ҳудудий вакили билан учрашувда «IndustriALL» иттифоқи бирлашмаси тизимидаги турдош касаба уюшмалари тўғрисида ҳамкорликка тўхталиб ўтилди.

Халқаро Евроосиё Металл ишчилари Федерацияси ташкил этган «Бозор иқтисодиётидаги шароитларда касаба уюшмаларининг фаолиятидаги масалалар тўғрисида»ги семинарларда тармоқнинг 53 нафар аъзоси фаол иштирок этди.

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси вакилларининг мамлактимизга ташрифи жараёнида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорлик битимини амалга оширишни таъминлаш мақсадида 2018 йилда «Ўзметкомбинат» АЖда семинар ташкил қилинди. Ташриф жараёнида турдош касаба уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама меморандумлар имзоланди.

Бундан ташқари, ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Халқаро Евроосиё Металл ишчилари Федерацияси марказий қўмитасининг 47-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси ва бир нечта мамлакатлар турдош касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Ёз мавсумида 8 та стационар болалар оромгоҳларида 46342 нафар, шу жумладан Меҳрибонлик уйлари ва қорақалпоғистонлик меҳнаткашларнинг 2550 нафар фарзанди соғломлаштирилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш мақсадида тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг спартакиадалари ўтказилди.

Тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси тўлиқ таъминланмоқда. Шу мақсадда жамоа шартномалари ҳар йили янги бандлар билан тўлдириляпти.

Ишчи-ходимларни ички туризмга кенг жалб қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилда 2000 нафардан ортиқ аъзоларнинг юртимиз тарихий жойларига саёҳати уюштирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотларнинг моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида корхона ва ташкилотларда «Маънавият соатлари»ни ўтказишга янада катта эътибор берилди.

Бугунги кунда тармоқ тизимидаги 238 та бошланғич ташкилотда 20858 нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес субъектларида ишлаётган ишчи-ходимларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Иш фаолиятида юқори натижаларга эришаётган, жамоат ишида фаоллик кўрсатган йигит-қизлар мунтазам равишда рағбатлантириб келинмоқда.

Ўтган давр давомида тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига ёшларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган «Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» деб номланган алоҳида бўлим киритилди ва ҳозирги вақтда унинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қурултойда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди ва тармоқ касаба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раислигига Аҳмаджон Ҳаққулов қайта сайланди.







Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси

Ишчи гуруҳ фаолияти



Аёлга эҳтиром

Амударё туманида 40 нафар фаол хотин-қизни истиқболли захира кадр сифатида бириктириш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, аҳолининг саводхонлигини ошириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Куюкқўпир», «Қипчоқ», «Гулзор», «Аёқчи» МФЙларида кутубхона ташкил қилинди.

Қарамоғида ногирон фарзанди бор 3 нафар аёл тикув машинаси билан таъминланди, 5 нафар фуқарога чорва моллари олиб берилди.

591 нафар хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 108 нафар хотин-қиз иссиқхоналарда меҳнат қилмоқда.

Чет элдан қайтиб келган хотин-қизларнинг 54 нафарига туман бандликка кўмаклашиш маркази ёрдамида иссиқхона қуриб берилди.

Оғир ижтимоий шароитда яшовчи иш билан банд бўлмаган 5 нафар хотин-қиз жамоат ишига жалб қилинди. 25 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди ва бир фуқарога бандликка кўмаклашиш маркази кўмагида иссиқхона қуриб берилди.

Нотинч-ноқобил оилалар билан мунтазам равишда бажарилган профилактик ишлар натижасида 52 та оила яраштирилди.

Хотин-қизлар ўртасида никоҳ, оила, оила маънавияти, оила маърифати, шунингдек, ноқонуний, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот тадбирларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ хулосасига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон ва қарамоғида касалманди бўлган оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй шароитида доимий даромад манбаига эга бўлиш имкониятини яратиш мақсадида 22 миллион 500 минг сўмлик 15 та тикув машинаси, 13 миллион сўмлик маиший техника воситалари, 10 нафар оғир шароитда яшаётган хотин-қизнинг ҳар бирига 1 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Бу каби тадбирлар келгусида ҳам давом этади.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Кўмак



Эзгуликка эш ишлар

Мамлакатимизда муносиб меҳнат шароитини яратиш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Мажбурий ижро бюроси Сирдарё вилоят бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси фаолияти ҳам бунинг ёрқин исботидир. «Иссиқ жон» деганларидек, Бюронинг Ховос тумани бўлими давлат инспектори Ғулом Убайтов жиддий жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўғри келди. Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан ажратилган 2 миллион сўмлик моддий ёрдам унга катта далда бўлди. Бундай ёрдам яна 5 нафар ходимга кўрсатилди.

Коронавирус пандемиясига қарши курашишга касаба уюшма аъзолари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ховос туманидаги 9-умумтаълим мактабининг 300 нафар ўқувчиси бирлашган касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган: ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган бундай эзгу ташаббуслардан уюшма аъзолари жуда мамнун. Бундай ишлар келгусида янги ютуқларга асос бўлиши шубҳасиз.

Ботир УСМОНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ тумани кенгаши

Барча юртдошларимизни МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИ БАЙРАМИ БИЛАН қутлайди!

Ушбу улуғ ва қутлуғ кунда ватандошларимиз, шу жумладан, Ватанимиз илму маърифатини бойитаётган, ёш авлоднинг таълим ва тарбиясида билим ва тажрибасини аямаётган, келажагимиз учун мустаҳкам тамал тоши қўйишда фидойилик билан меҳнат қилаётган соҳа ходимларига омад ва муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайди!
Жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёт сари шахдам илдамлайверсин!

29

Шаҳло АҲРОРОВА

БУ МИЛЛАТНИ БУКИБ БЎЛМАС!

Туроғини ўпиб ўсган қалқон эл бу,
Улуғ йўлда кетаётган карвон эл бу,
Жўмард эл бу, вазмин эл бу, полвон эл бу,
Бошда дўппи, белбоғини ечмайди у,
Жондан кечар, лек Ватандан кечмайди у!

Ким дунёсин ғор билар, ким кенг билади?
Ким камига мутеликни енг билади?
Қай шер ўзин тулкиларга тенг билади?
Шер маконнинг шаънига доғ тўкиб бўлмас,
Шер юракли эл, миллатни букиб бўлмас!

Оқиллиги бобосидан мерос қолган,
Ҳурмат қолган, иймон қолган, ихлос қолган,
Пирларининг қўлин олган, дуо олган,
Аждодларга тош отиб ё тегиб бўлмас,
Муҳаддас тупроқни поймол этиб бўлмас!

Не олғирлар келиб кетди, ўзи билар,
Тузлиғига тупурганни тузи билар.
Унга эркни ўргатмангиз, ўзи билар!
Гул бағрига тиканакни экиб бўлмас,
Гулшан бўлса эл, миллатни енгиб бўлмас!

Кимдир четдан бу юртга тўн бичмоқ бўлар,
Қизларидан ор кўйлагин ечмоқ бўлар,
Шарбат тутган қўлдан ким қон ичмоқ бўлар,
Андишани қўрқоқликка мензаб бўлмас,
Ор-номусли эл, миллатни енгиб бўлмас!

Ўтаверсин фаранг, инглиз, олмони ҳам,
Ўзи билан яхшиси ҳам, ёмони ҳам,
Олтин бўлса гар дунёнинг тўрт ёни ҳам,
Ўз Ватанинг бир гардига тенгиб бўлмас!
Эркни севган эл, миллатни енгиб бўлмас!

ИСТИҚЛОЛИМИЗ МАНГУ БЎЛСИН!



Истиқлол нури ва имкониятларидан кун сайин гуллаб-яшнаётган мамлакатимизда истиқомат қилаётган меҳнаткаш ва фидойи юртдошларимизни бахтимиз, фаровонлигимиз ва тинчлигимиз тимсоли бўлган қутлуғ байрам –

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

самимий табриклаймиз!
Шу эл, шу муқаддас Ватан ободлиги ва тараққиёти йўлидаги эзгу ва савобли ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!
Юртимиз тинч, осмонимиз мудом мусаффо, халқимиз доимо омон бўлсин!

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЖИЗЗАХ ШАҲАР КЕНГАШИ

Сайёра ТЎЙЧИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН

Бир йўлимга ўн қараган,
Ўн қараган, минг қараган,
Менга молу дунё эмас,
Фақат толе, бахт сўраган –
Онамсан, Ўзбекистон!

Уч садафим, уч мунчоғим,
Кўзи чақнар кўзмунчоғим,
Онажоним деб йиғлайди –
У дунёга кетар чоғим,
Боламсан , Ўзбекистон!

Ватансиз жон, жаҳон қайда?
Тинч еру тинч осмон қайда?
Ўзбеклар кўп ҳамма жойда –
Фақат Ўзбекистон қайда? –
Жонимсан, Ўзбекистон!

29

«Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси

Юртдошларимизни Истиқлол байрами билан чин қалбдан табриклайди. Шу қутлуғ кунларда барча-барчага сиҳат-саломатлик, бахт-у саодат, хонадонларидан нур ва барака аримаслигини тилаймиз. Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин. Осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Шодмонқул САЛОМ

ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Паришон шаҳарлар, ҳуркак овуллар,
Донишманд саҳролар, жўмард дарёлар,
Елкасин қор босган – ғурур-ла турган
Бобом кўзин кўрган эй, азим тоғлар...
Сочлари шамолда кўкни супурган,
Онамдай мунтазир тургувчи боғлар.
«Ҳаёт келаётир!» – хушхабар олиб
Шул боғлар пойига чопган ирмоқлар...

Бойчечакнинг тилло пиёласида
Ҳамаллар – амаллар, эриган қорлар.
Ғолиб баҳодирнинг вазмин кифтида
Қизғалдоқ кўтарган мастон баҳорлар...
Оламга хирмонин устидан боққан,
Қўллари қадоқлар, оташин ёзлар.
Сахо бул тупроққа хайру хўш айта
«Баҳоргача...» дея бўлган парвозлар...
Шамол эркаланиб қолгани келган,
Офтоб тафт олгани ҳар кун ўтгувчи.
Ҳилол кўз узолмай, оз-оз ейилган,
Фасллар тез келиб, аранг кетгувчи...
Кўчалар, орзулар, хаёл, ташвишлар,
Рўзғорлар, ўтбоши, тотли кулгулар.
Автолар, сигналлар, даъватлар, ишлар,
Эртага ҳам давом этгич бугунлар...
Эринчоқ ё сергак тонглар, саволлар,
Кундузлар, асаблар, ёйиқ оқшомлар,
Ёмғирлар, соябон тутган қадамлар,
Ҳаёт томирида чопган одамлар...
Ана шу манзилдан ёниб ўтаман,
Ёғоч тулпорда ҳам севиб кетаман,
Бу меники дейман, ғурур этаман,
Ўғлимнинг, қизимнинг қўлин тутаман,
Ватан деб шивирлар кафтларим менинг,
Шундай тўлиб борар дафтарим менинг.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Мард ва танти халқимизни, меҳнаткашлар манфаати йўлида фидойилик кўрсатаётган, ислоҳотлар ижросига камарбаста бўлаётган касаба уюшма аъзоларини Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ БИЛАН қутлайди!

Абдусаид КЎЧИМОВ

ВАТАН ЯГОНА

Пайдо бўлибдики, бу кўҳна дунё
Замину фалакда янграр бир нидо,
Олам тусланар,
У турланмас асло –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!


У – сенинг мужгонинг, қароғинг, кўзинг,
У – орзу-армонинг, у – айтар сўзинг,
Иймонинг, виждонинг, у – сенинг ўзинг,
Бобонг – у, момонг – у, у – мунис она –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Енарми пилиги чириган чироқ?
Яшнарми бандидан узилган япроқ?
Фақат киндик қони тўкилган тупроқ
Инсонга муҳташам қўрғон, кошона –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Ким икки Ватанни қилибди даъво,
Ул кас беватандир, у – ватангадо!
Ишониб бўлмайди ул касга, илло –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Қуш кемани тутган хор бўлар бир кун,
Бир қатра меҳрга зор бўлар бир кун,
Алангага қўнган қор бўлар бир кун,
Ватаним, жонингга жоним қурбон-а! –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Ягона юрт дея олурмиз нафас,
Шу юртга фидодир бор орзу-ҳавас,
Юртим!
Қайси ғаним сенга қилса қасд,
Унга мозор бўлгай ҳар бир остона –
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!



Барча юртдошларимизни, шу жумладан, эл-у юрт равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган таълим ва фан ходимларини

ЭНГ АЗИЗ ВА УЛУҒ АЙЁМ – МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН

табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файз-у барака тилаймиз.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши

Зулфия МЎМИНОВА

МУСТАҚИЛМАН, УЧИБ ЮРИБМАН

Салом сеторалар, сархуш ҳаволар,
Севгилар ассалом, салом вафолар,
Салом сайёралар, салом самолар
Мустақилман, учиб юрибман.

Салом саодатим, салом Ҳумо қуш,
Салом ҳақиқатга айланган оқ туш,
Бамисоли оққуш, мисоли Ҳаққуш,
Мустақилман, учиб юрибман.

Саодат қасрида нажот меники,
Паризот менингдир, ҳурзот меники,
Занжирни синдирган қанот меники,
Мустақилман, учиб юрибман.

Ростдан ҳам ушбу бахт ўзимникими?
Лайливаш, жайронқараш кўзимникими?
Тангрига шукурлар сўзимникими?
Мустақилман, учиб юрибман.

Шеърим зеболигим намойишлидир,
Таъзимим, тавофим азмойишлидир,
Кулгум, табассумим гулройишлидир,
Мустақилман, учиб юрибман.

Сайроқи қушларга сирдош турибман,
Мунаввар тонгларга нурдош турибман,
Онҳазрат қизидек бахтлар кўрибман,
Мустақилман, учиб юрибман.

Орқага – қоронғу хосга қайтмасман,
Дорларга – ул сўнги нафасга қайтмасман,
Қафасга қайтмасман, қафасга қайтмасман.
Мустақилман, учиб юрибман.

29



29

«МУБОРАК НЕФТ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН самимий муборакбод этади!

Жонажон Ватанимиз шуҳрати янада юксалаверсин!

Ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо, Ватанимиз истиқлоли абадий бўлсин!



Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Бу дунёда кураш кетар туну кун,
Ҳар қарич онг, ҳар бир қарич қалб учун.
Уйғон болам, энг бебаҳо бахт учун –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Жаҳолатнинг байроғи ҳам қорадир,
Инсон яшар ёруғлик барҳақ учун.
Ҳар ўғил-қиз, билсанг, жигарпорадир –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ошу нон деб ном сотганлар, аё, сиз,
Ўйламангким рўзғорлари талх учун,
Кураш кетар тинимсиз ва аёвсиз –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Разолат тинч турмас ахир ҳеч қачон,
Отлангандай ҳар тонг ҳарбу зарб учун,
Ҳушёр бўлгил, бедор бўлгил, болажон –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Боболаринг хокин бориб суриштир,
Туғларию туғроларни кўр кучин:
Умрлари бошдан оёқ курашдир –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Маърифатдан нажот изла, иста ком,
Ўқиган ҳар бир китобинг бир устун,
Бир қўрғондир, мустаҳкам бир истеҳком –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Давр сендан шиддат кутар, жадал қил,
Ёш жонингга шунча таҳдид, хавф учун,
Умрингни ҳар онин жангу жадал бил –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Шу миллатнинг кўрки сенсан, нақши сен,
Жисму жонинг сафарбар эт, қалқ бутун.
Ёвузликка ўзинг тургин қарши сен –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Элнинг шаъну шавкати ҳам зиёси
Сўнмас асло то бор экан бу очун.
То уйғоқдир ҳар бир кўзи қароси –
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

2020 ЙИЛ 29 АВГУСТ, ШАНБА
№ 89-90-91-92 (4377)

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Хотира ёғдуси



Мустақиллик байрами арафасида яқин ўтмишга назар ташлаб, эрк ва ҳуррият йўлида курашган, она-юрт бахтсизлигининг ҳилпираб туришини орзу қилган аждодларимизни эслаш, уларнинг пок хотиралари олдида бош эгиб, таъзим қилиш миллий одатларимиздан бирига айланди. Камина бу сафар ҳам ана шунга риоя қилиб, мустамлакачилик йилларида қамоқ ва лагерларда азоб-уқубат чеккан, ўлим олдидан сўнгги сўзи «Яшасин озодлик!» бўлган аждодларимизни ёдга олмоқчиман.

Маълумки, шўро давлатининг қонли найзалари 30-50-йиллардаги қатағон даврида, биринчи навбатда, давлат, фан ва маданият арбобларига қаратилган эди. Лекин мамлакатда, шу жумладан, юртимизда юзлаб ва минглаб давлат, фан ва маданият арбобларини топиш амримаҳол эди. Шунинг учун НКВД ходимлари марказдан олис шаҳар ва қишлоқлардаги кўзларига ёмон кўринган ватандошларимизни ўйлаб-нетмай қамоққа олаверган. Улар орасида новвойлар, кулоллар, дурадгорлар, муаллимлар, навоийхон ва бедилхонлар оз бўлмаган. Ҳаттоки, уйидан мумтоз Шарқ шоирларининг асарлари чиққан кишилар ҳам ёт унсур сифатида жабр-у жафоларга мубтало қилинган.

Шундан бегуноҳ ота-боболаримиз орасида Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдувоҳоб Ибодий сингари эл-юрт ҳурматини қозонган ўнлаб ва юзлаб мўътабар кишилар бўлганки, уларни маҳв этган жаллодларни тарих ҳеч қачон кечирмайди.

Мамлакатимизда ўзбек халқининг улуғ фарзандларидан бири Исҳоқхонтўра Ибратдир. Бундай улуғ олим ва шоирлар, қомусий билим эгалари юз йилда бир марта дунёга келади. Афсуски, улуғ тилшунос олим, шоир, ношир ва педагог Исҳоқхон Ибрат (Жунайдуллаев) 1937 йил 10 февралда, ҳали қатағон қиличи қиндан чиқарилмаган бир даврда қамоққа олинган.

Исҳоқхон Ибрат ўзига қўйилган айбнинг туҳматдан иборат эканини айтиб, уни қанчалик рад этишга уринмасин, азаробийи қийнайверганларидан кейин сохта айбни тан олишга мажбур бўлган.

Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, Ибрат араб, форс, турк, афғон, ҳинд ва рус тилларини яхши билган. 1921-1928 йилларда Чуст, Норин, Наманган туманларида қози лавозимида халққа хизмат қилган. 1926 йили ўзига қарашли ортиқча ерни сотгани учун унга бир йиллик қамоқ жазоси берилган.

НКВД «учлиги»нинг 1937 йил 24 августда бўлиб ўтган йиғилишида тўрақўрғонлик маҳбуслар Убайдулла махсум Отабой Аъламов, Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев ва Деҳқонбой сўфи Дўсматов олий жазога ҳукм этилади. Акбарали Ниёзов билан Мўътабархон Султонхоновга 10 йиллик қамоқ жазоси берилади. Исҳоқхон Ибрат эса «учлик»нинг йиғилишига қадар етиб келмайди. У мусулмон маҳбусларни одам ўрнида кўрмаган НКВД жаллодлари қўлида, инсон зоти кўрмаган азоблардан сўнг 1937 йил 19 августда Андижон турмасида вафот этади.

1959 йилга қадар Исҳоқхон Ибрат тақдири билан ҳеч ким қизиқмаган ва совет давлати бунга имкон ҳам бермаган. Аммо Ибратнинг ўғли Ротибхонтўра Исҳоқхонтўраев 1959 йил 28 майда тегишли идораларга ариза билан мурожаат этиб, отасининг тақдири тўғрисида маълумот беришни сўрайди. У аризада отаси ҳақида мухтасар маълумот бериб, унинг «Анисий» тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзгани, ёшлик даврида Тўрақўрғон, Наманган ва Бухорода билим олгани, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой ва Россия мамлакатларида бўлгани, илмий ишлар билан шуғулланиб, «Жам ул-хутут», «Фарғона тарихи», «Маданият тарихи» каби асарларни ёзгани ва улар Тошкентдаги Шарқ қўлёзмалари институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими архивида сақланаётганини баён қилган.

1965 йилга қадар ҳеч бир идора ва ҳеч бир шахс Ибратнинг тақдири билан шуғулланмаган. Лекин 1965 йил июлида (куни кўрсатилмаган) ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги ОКГБнинг тезкор ишлар бўйича кичик вакили майор Саидовнинг оғзаки илтимосига кўра, мазкур идоранинг Андижон вилояти ва Наманган шаҳри бўйича ОКГБ тезкор ишлар бўйича вакили, подполковник Деҳқонов ЎзССР Министрлар Совети қошидаги ОКГБ бошлиғи ўринбосари подполковник А.П. Фролов номига рус тилидаги қуйидаги хатни йўллаган:

1965 й. «...» июль
Махфий
Бир нусхада

ЎзССР Министрлар Совети қошидаги
ОКГБ бошлиғи ўринбосарига

ЎзССР Министрлар Совети қошидаги ОКГБнинг
Андижон вилояти бўйича бошлиғи ўринбосари
ўртоқ А.П.Фроловга

Андижон шаҳри

ОКГБнинг тезкор ишлар бўйича кичик вакили майор ўртоқ Саидовнинг оғзаки илтимосига биноан, Наманган тумани марказидаги 44-сонли мактабнинг «Ибрат» – Жунайдуллаев Исҳоқхон номи билан аталганини маълум қиламиз ва Наманган тумани ижроия комитетининг 12.10.1964 йил санали 295-қарори нусхасини ҳамда Турсун Ҳакимовнинг Жунайдуллаев Исҳоқхонтўра (адабий тахаллуси «Ибрат») ҳақидаги тушунтириш хатини юбормоқдамиз.

Айни пайтда шуни маълум қиламизки, сўнгги йилларда матбуотда «Ибрат» – Жунайдуллаев Исҳоқхон тўра ижодига бағишланган қатор мақола ва тадқиқотлар чиққан:

Масалан:

1. ЎзКП Фарғона вилоят комитети ва вилоят ижроия комитети органи »Коммуна» газетасининг 25.02.64 йил сонида жамоавий «Маърифатпарвар ҳамкишлоғимиз» мақоласи.

2. Республика Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг органи – «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 23.11.1960 йил сонидаги «Исҳоқхон – маърифатпарвар олим» мақоласи. Муаллифи – филология фанлари номзоди Олим Усмон.

3. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси органи – «Шарқ юлдузи» журналининг 1961 йил 1 - 2-сонларидаги «Зулмат ичра нур» мақоласи. Муаллифи Олим Усмон.

4. «Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари» номли алоҳида китоб. 1962 йил Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. «Рус тили ва рус адабиёти ҳомийси» бўлими.

5. «Андижанская правда» газетасининг 9.12.12 1964 йил сонидаги «Дороги открыты» мақоласи. Муаллифи - Якуб Гафаров ва бошқалар.

Иловаси 2 қоғозда.

ЎзССР МС қошидаги
ОКГБ Андижон
вилояти ва Наманган шаҳри
бўйича вакили, подполковник **(Деҳқонов)**

Подполковник Деҳқоновнинг ушбу хатида тилга олинган Турсун Ҳакимовнинг «Тушунтириш хати» ҳам сақланиб қолган. Исҳоқхон Ибратнинг ҳибсга олинишида қатнашган бу милиция ходимининг «Тушунтириш хати» 1937 йилда Андижонда рўй берган тарихий жиноятга бир оз бўлса-да, ойдинлик киритиши мумкин, деган ниятда уни ҳам газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Тушунтириш хати

Менким, Ҳакимов Турсун, 1931 йилдан 1937 йилгача Андижон область Московск район милициясида инспектор бўлиб ишлаган вақтимда менга топшириқ бериладики, Наманган район Тўрақўрғон қишлоғида турувчи Исҳоқхон Жунайдуллахон ўғли «Ибрат»ни аристон қилиб олиб келиш ҳақида топшириқ олдим. Шундан сўнг Тўрақўрғонга келиб, райилиширдан одам олиб, Исҳоқхон Тўрани уйига бориб, олиб келдим. Тинтув вақтида 2, 3 дона катта уйда ҳар хил китоблар бўлиб, буларни ичида замонамиз шаънига ёзилган китоблар, шеърлар ҳамда «Гўзал Фарғона» шеъри, босмага тайёрланган кўлёзмалар ҳам бор экан.

Бундан ташқари, Наманғандаги ҳозирги нашриётлиб турилган досмахонани муҳр ва штампларни, «Матбаан Исҳоқия» деган катта муҳр ҳамда қоғоз ёрлиқлар борлиги аниқланди.

Шундан кейин биз китобларни қолдириб, муҳр ва ёрлиқларни олиб, ўзи билан Шаҳрихонга олиб келдик ва ГуПУга топширдик. Сўнгра у кишини сўроқ вақтида Андижон турмасида вафот қилипти, деб эшитдим.

Уйларида қолган китобларни Тўрақўрғон ГуПУсидан бориб, йўқотиб юборган экан.

Мен 1938 йил бошларида ўз районимга қайтиб келганимда, ул кишининг болари ва китобларни ҳамда бошқа нарсаларни йўқ бўлиб кетган экан.

Исҳоқхон Тўрани қамаш жинояти фақатгина Акмал Икромовнинг дўсти ва унинг шайкаси деб қама(ш)ган, бошқа жинояти йўқ. Исҳоқхон қози бир неча йил қозилик қилган бўлса ҳам, у кишида мол-дунё бўлмаган. Фақат ўша ўзлари ўтирган уй ва боғидан бошқа нарса(си) бўлмай, китоб ёзиш, шеър билан шуғулланган экан.

Шу йил апрель ойларида район партия комитетини бюросида Исҳоқхон Тўрани аҳволини ўрганиб чиқилиб, район марказидаги 44-мактабга у кишининг номи берилди. «Ибрат» номидаги 44-мактаб деб, тушунтириш хати берувчи,

Ҳакимов Т.
18.06.1965 йил.

Исҳоқхон Ибрат ҳақидаги янги маълумотлар ҳозирча шулардан иборат. У нафақат Туркистондаги миллий уйғониш даврининг пешқадам намояндаларидан бири, балки маърифатпарвар шоир, серқирра тилшунос ва йирик тарихчи олим сифатида XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда яшаган буюк алломалардан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Исҳоқхон Ибратнинг ўзбек халқиниинг фани ва маданияти равнақидаги улкан хизматлари юксак баҳоланиб, Наманган шаҳрининг Ибрат яшаган масканида Ибрат боғи ва музейи ташкил этилди. Боғнинг марказида улуғ аждодимизнинг муҳташам ҳайкали савлат тўкиб турибди.

Бу нафақат Исҳоқхон Ибрат, балки бошқа бегуноҳ қатағон қурбонларининг пок хотираларига нисбатан халқимизнинг юксак ҳурмати намунасидир.

Наим КАРИМОВ,
академик

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:
Х. Норбоев,
С. Абдураҳмонов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Мусаҳҳиҳ:
Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – **00-25**
Топширилди – **02:50**

Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 8 босма табоқ.
Буюртма **Г – 817.**
27871 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Эълонлар!

«Best realtor» МЧЖ Farg'ona mintaqaviy filiali маълум қилади!

«Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖнинг 28.08.2020 йил кунги 39-сонли буюртма хатига асосан мазкур МЧЖга тегишли, Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жанубий Оламушук шаҳарчаси, «Иттифоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий фойдали майдони 63,80 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони биноси «Best realtor» МЧЖ Farg'ona mintaqaviy filialiнинг риэлторлик воситачилик хизматлари орқали сотувга қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 16 558 748 (ўн олти миллион беш юз эллик саккиз минг етти юз қирқ саккиз) сўм.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулкни сотиб олишга қизиқиш билдирган талабгорлар қуйидаги манзилга мурожат этишлари мумкин: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 2-, 6-хоналар. **Телефон:** +99895-402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» ўзгартириш киритиш ҳақида маълум қилади!

«Ishonch» газетасининг 22.08.2020 йилдаги 85(4370) сонида чоп этилган эълондаги «такрорий савдолар 2020 йил 29 сентябрь ва 6-, 13-, 20 октябрь кунлари» жумласи «такрорий савдолар 2020 йил 25-, 29 сентябрь ва 2 октябрь кунлари» деб ўқилсин.

Маълумот учун: «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ. **Телефон:** (93) 304-43-95.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Шуҳрат ХАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоалари таниқли журналист

Қурбон ЭШМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.